



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT

XALQ ZIYOLILARI GAZETASI

معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2004-yil 31-iyul, shanba

№ 62 (7671)

Da'vat

Maktabning maqsadi tarbiya va faqat tarbiyadir.

logann
PESTOLOSSI

"ЎЗБЕКИСТОННИ ЖУДА СОҒИНДИМ"



хаволарга ўхшайди. У битмас-туганмасдай туюлади.

Она юрт хокисор, кекса бахшига ўхшайди. У кўшиқлари, дostonлари учун ҳеч кимдан ҳеч бир нарса сўрамайди.

Бизга йироқ-йироқлардаги мамлакатлар, улардаги турмуш тарзи гўзал, бенуқсон, мукамал, юксақдай бўлиб кўринади. Биз ўша мамлакатлардаги гўзалликни, мукамалликни, юксакликни кўришга ошиқамиз.

Ўша мақталган мамлакатлардаги ҳақиқий ҳаётни баъзан чуқурроқ ўрганмай, юзаки хулосалар чиқарамиз. Атрофимиздаги кундалик ташвишлар кўзимизга янада бўртиб кўринади, сўнг ўзимизча фалсафа сўқамиз: улардаги ютуқларни кўкка кўтариб, ўзимиздаги камчиликларини ошириб-тошириб сўзлашдан чарчамаймиз.

(Давоми 8-бетда)

Она юрт ... ҳовлимизда оқиб турган сувга ўхшайди. Хаёлимизда худди бу сув доимо оқиб турадигандай, бунинг учун бирор меҳнат сарфлашга, ташвишланишга ҳожат йўқдай туюлади.

Она юрт ... нафас олаётганимиз тоза, тип-тиниқ, зумрад

Faxr



ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ЎЗ МАКТАБИДА

2-бетга қаранг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ РАСМИЙ АХБОРОТИ

2004 йил 30 июл куни Тошкент шаҳрида соат 16.45-17.00 да уч жойда портлаш рўй берди. Улар АҚШ, Исроил элчихоналари ва Ўзбекистон Бош прокуратураси бинолари олдида ўзини ўзи портлатган террорчилар томонидан содир этилди. Оқибатда икки киши ҳалок бўлди. Тўққиз киши жароҳатланди. Улардан икитасининг аҳволи оғир. АҚШ ва Исроил элчихоналарининг бинолари зарар кўрмади. Бош прокуратура биносининг кириш жойига зарар етди.

Ўзини ўзи портлатган террорчиларнинг шахси аниқланмоқда.

Улардан бирининг ёнидан шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов раҳбарлигида тегишли идора ва хизматлар раҳбарларидан иборат Ҳукумат комиссияси тузилди. Тергов ишлари бошланди.

Террорчиларнинг шахси ва уларнинг алоқаларини аниқлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Айти пайтда элчихоналар ва бошқа муҳим объектларни кўриқлаш, террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган чоралар кучайтирилди.

РАСМИЙ АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида рўй берган террорчилик ҳаракатлари бўйича ташкил этилган Ҳукумат комиссиясининг биринчи мажлиси 2004 йил 30 июл куни соат 20.00 да бўлди. Унда тегишли хизматлар ва идораларнинг содир этилган портлашлар билан боғлиқ фактларнинг таҳлили ҳамда уларни текширишга оид аниқ чоралар тўғрисидаги ахборотлари тингланди. Батафсил ва чуқур текширувни амалга ошириш, террорчилик ҳаракатларининг сабаблари ва ижрочиларини аниқлаш юзасидан ҳаракат режаси қабул қилинди.

Ҳукумат комиссияси террорчилик оқибатида ҳалок бўлганларнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш бўйича барча чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳукумат комиссияси республика аҳолисини хушёрликка ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига ёрдам кўрсатишга даъват этади.

ЭЗГУЛИК ҒОЛИБ, ЁВУЗЛИК МАҒЛУБ

Дунё дунё бўлиб яралгандан буён бугунги замондагидек нотинчликни кўрмаган бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки, ўтаётган вақтнинг ҳар бир дақиқаси борки, ер юзининг ҳали у, ҳали бу нуқтасида бесаранжомлик, нотинчлик юз бермоқда. Хўш бутун инсониятнинг тинчини бузаётган, ташвишга солаётган бундай мудҳиш воқеаларнинг илдизи қаерда?

Албатта, бундай воқеаларнинг бирламчи сабаби, уни содир этаётган кишиларнинг калтабинлигидадир. Улар ўзларининг ёвуз мақсадларига эришиш учун энг қабиҳди — аҳолининг, элорқали қора ниётламоқчи бўлишади.

Munosabat

30 июль куни Тошкент шаҳрида юз берган портлашлар ҳам уни содир этган манфур шахсларга нисбатан халқнинг нафратини уйғотгани, шубҳасиз. Дарҳақиқат, бугун дунёвий муаммога айланган халқаро терроризм балоси ўз характери билан шу қадар ёвуз куч-ки, у ўзининг дунёнинг бу бурчагидаги манфаатлари учун дунёнинг бу бурчагида ҳам турли хунрезликларини амалга ошириши мумкин. Ўзларини ҳатто "динпарвар", "миллатпарвар", "юртпарвар" сифатида ҳам кўрсатаётган бу ёвуз кучга аслида дин, халқ, юрт тинчлиги ҳам бир пулдир. Зеро, уларнинг ҳар бир ҳаракати бу тинчликка қарши қаратилгандир.

Бу кўхна дунёнинг ўзи қадар кўхна, ўлмас бир ақидаси бор: бу эзгуликнинг ҳаммаша ёвузлик устидан ғолиблигидир. Манфур террорчилар ҳам асло мақсадларига етолмайди ва халқни саросимага сололмайди. Улар ҳар бир ҳаракати билан халқнинг нафратигагина учрайдилар, холос.

Икром БҮРИБОЕВ,
журналист

ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:

ЯНГИ МАКТАБЛАРГА ЯНГИ ЖИҲОЗЛАР ЯРАШАДИ

3-бет

ЯХШИЛИК — ИККИ ДУНЁ САОДАТИНИ БЕРГУВЧИДИР

5-бет

МАКТАБ КУТАР ЎҚУВЧИЛАРИН

6-бет

ЭЛИНГГА БЕГОНА БЎЛМА

9-бет

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ: Бу муҳим тадбир қандай ўтказилади?

4-бет

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ:

самарадорликка қандай эришилади?

7-бет

«ҚАДАМ-БАҚАДАМ»НИНГ ЯНА БИР ҚАДАМИ

11-бет

Ibrat

O'zLiDeP akademik litsey va KHK o'quvchilari uchun "Ishbilarmon o'quvchi" stipendiyasi ta'sis etdi. Unga loyiq topilgan 14 nafar o'quvchi bir o'quv yili davomida oyiga 15 ming so'mdan stipendiya olib turadi.

SO'NGGI
UCH KUN
MUJDALARISUD
DAVOM
ETMOQDA

O'zbekiston Respublikasi Oliy sudida 29-30 mart va 1 aprel kunlari Toshkent shahri va Buxoro viloyatlarida terrorism va qo'povuchilik harakatlarini sodir etganlikda ayblanayotgan 15 nafar shaxs ustidan sud jarayoni davom etmoqda. Sud jarayoniga O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi raisining o'rinbosari B. Jamolov raislik qilmoqda.

Sud majlisining ikkinchi kuni sudlanuvchilarning ko'rgazmalarini tinglash bilan boshlandi. Kun bo'yi davom etgan sud jarayonida sudlanuvchilar F. Yusupov, F. Kazakbaev, X. Ishmatov, Ye. Aslanov, N. Kurbanaliev, R. Yusupovning jinoyat ishi yuzasidan ko'rgazmalari tinglandi.

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Шахмат оламининг биринчи расмий чемпиони Вильгельм Стейницнинг шундай сўзлари бор: "Шахмат ўйини руҳан ожиз одамлар учун чиқарилмаган. Шахмат одамнинг бор вужудини, бутунлигича талаб қилади..." Ҳа, биз шу йилнинг 13 июль санасини — ФИДЕ таснифи бўйича жаҳон чемпиони аниқлаб берадиган Рустам Қосимжонов ва Майкл Адамс ўртасидаги қизғин баҳсни эсларканмиз, ўйинни телеэкран орқали кузатиш асосида ўзбек ўғлонининг шахмат тахтасига диққат билан қараб турганини, қутилмаган юришлар билан рақибини узоқ ўйлашга мажбур қилганини ҳаяжон билан ёдга оламиз. Ўзбек шахматчиси

тождори (бу номга 17 шахматчи сазовор бўлган) ўзбек ўғлони бўлгани нафақат ўзимизни, балки бутун туркий халқларни бениҳоя шодлантирди. 17 июль куни Рустам Қосимжоновни кутиб олиш учун Тошкент аэропортига чиққан минглаб инсонларнинг истикболи эса, уларнинг шодликлари ифодаси бўлди. Ана шундан буён мамлакатимиз олий таълим муассасаларида, умумий ўрта таълим мактабларида шахмат бўйича жаҳон чемпиони Рустам Қосимжонов билан учрашувлар ташкиллаштирилмоқда.

мактабда ўтказилди. Мактаб ҳовлисига қадам қўяр экансиз, карнай-сурнай овозини тинглаб, гўзал тарзда безатилган ҳовлини кўриб, беихтиёр янги ўқув йили бошландими ёки ҳали таътил давом этаптими, деган ҳаёлга борасиз. Чунки ҳовлида ўқитувчи-ю ўқувчилар жам, кекса отахону онахонлар йиғилган.

Ниҳоят, огоҳ кўнғироғи янграгач, мактаб раҳбари Аҳмаджон Жавҳаров йиғилганларни ташриф мақсади билан таништирди. Сўнгра жаҳон чемпиони кутлаш учун сўз Халқ



сида тўлқинланиб гапириб, янги жаҳон чемпионининг юқори синфда ўқиган пайтдаги синф жур-


юрт ифтихори, жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновга берилди.

— Шахматчининг фақат шахматни билиши кифоя қилмайди, — деди Рустам. — У етук шахматчи бўлиши учун бошқа спорт турларини, чет тилларини жуда яхши билиши керак. Бу борада менга ўз билим ва тажрибаларини аямаган устозларим, оила аъзоларим олдида қарздорман. Уларга, барчангизга катта раҳмат!

Учрашув сўнгида мактаб жамоаси, Рустамнинг устозлари-ю синфдошлари янги жаҳон чемпиони ушбу мактабдан чиққанидан фахрланишини таъкидлашди. Тадбир Рустам Қосимжоновнинг мактаб ўқувчиларининг бир гуруҳи билан ўрта тахтада сеанс ўтказиши билан якунланди.

Шерали НИШОНОВ,
"Ma'rifat" муҳбири
Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ
ЎЗ МАКТАБИДА

кучли иродага эга эканлигини намойиш этиб, жаҳон чемпиони бўлди!

Йигирма биринчи асрнинг бошларида дунёнинг йигирма биринчи шахмат

Куни кеча навбатдаги учрашув Рустам ўқиган умумий ўрта таълим муассасаси — Чилонзор туманидаги "Олмазор" маҳалласида жойлашган 90-

таълими вазири Туробжон Жўраева берилди.

— 13 июлда бошланган байрам ҳамон давом этапти, — деди вазири. — Бу шодиёни кечагина Греция пойтахти Афина шаҳрида ўтказилган халқаро фан олимпиадасидан совринли ўринларни олиб қайтган ўқувчилар — Рустамжоннинг издошлари давом эттиргани барчамизни мамнун этди. Рустамжоннинг мутлақ жаҳон чемпиони бўлишини энди бутун халқимиз кутмоқда ва бу борада унга омад тилаймиз.

Шундан сўнг 90-мактабнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Надежда Блезнякова Рустам ўқиган давр, унинг ўқиши тўғри-

наolini йиғилганларга кўрсатди. Унда Рустамнинг "аъло" баҳолари акс этиб турарди. Шайхонтохур туманидаги 15-болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби директори Иброҳим Имомжонов эса Рустамни ёшлигидан бери билиши, у ўз даврида ўзидан 7-8 ёш катта болалар билан битта мусобақада ўйнаган бўлса-да, уларни энгиб чиққанини, бу ундаги туғма иқтидор эканини таъкидлади. Навбати билан "Олмазор" маҳалла кўмитаси раиси Собирхон Яхёев ҳамда шахмат бўйича 90-мактаб чемпиони, 7"А"-синф ўқувчиси Акмал Нишонов ўз фикр ва тиллакларини билдиргач, сўз

Азалий ҳақиқат бор: фарзанд камолотида унинг таълим-тарбияси, ҳар бир хатти-ҳаракатининг ўз вақтида назоратга олиниши, тўғри йўналиш бериб турилиши муҳим босқич. Зеро, бола дунёни кимгадир таассуб қилиб англайди. Аслида, фарзанд тарбиясидаги энг жўн, шу билан бирга энг мураккаб жиҳат ҳам шунда. Чунки озгина тўғри йўналиш боланинг эртанги истикболидан даракласа, кичик бир эътиборсизлик ҳам катта хатога олиб келиши мумкин. Савол туғилади: хўш, бугунги кунда инсон эртасига илк пойдевор қўйиладиган умумий ўрта таълим мактабларида бу жараёнга қандай эътибор қаратилган? 30 июль куни ўтказилган Халқ таълими вазириликнинг бу галги кўчма ҳайъат мажлисида айна саволга жавоб изланди.

Маълумки, таълим тизимида кечаётган ислохотлар жараёнида умумтаълим мактабларида ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини узлуксиз мониторинг (ички ва ташқи) қилиш асосида уларнинг билим, кўникма ва маънавиятидаги бўшлиқларни тўлдириб бориш орқали таълим самарадорлигини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада, айниқса, пойтахтимизнинг Юнусобод туман халқ таълими бўлимида ўзига хос тажриба тўпланган. Бирок, ўз ўрнида таъкидлаш лозим, муаммолар ҳам йўқ

эмас. Навбатдаги кўчма ҳайъат йиғилишининг айна туман мактабларида (97-, 260-мактабларида) ўтказилиши ҳам шундан. Зотан, амалиётда муваффақиятли сигналган тажрибанинг кенг ёйилиши албатта, эришилажак ютуқларнинг-да улкан қўла касб этишини кафолатлайди.

Йиғилишни халқ таълими вазириликнинг биринчи ўринбосари Рустам Аҳлидинов очар экан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бугунги сифат босқичида айнан ўқувчи-

бағишланган тренинг машғулотини ўтказган бўлса, Юнусобод туманидаги 21-мактабнинг ўқувтарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Ф. Ҳамдамова "Таълим самарадорлигига таъсир кўрсатадиган омиллардан бири — ўқитувчиларнинг касб-маҳоратини ошириш ва уларга кўрсатилаётган услубий ёрдам, мактабда методик ишларнинг ташкил этилганлиги (метод-бирлашмалар, ижодий гуруҳлар ва ҳ.к.), ўқитувчилар фа-

Hay'at yig'lishida

мидаги бўшлиқларни тўлдириш бўйича амалга оширилаётган ишлар (куни узайтирилган гуруҳлар фаолияти, репетиторлик ва ҳоказолар), мониторинг хоналарининг жиҳозланиши, тахлилий материалларнинг мавжудлиги, системалаштирилганлиги, амалий фаолиятда қўлланилаётгани ҳамда мониторинг гуруҳи фаолияти" хусусидаги фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди.

Кун тартибидеги масала: Тошкент шаҳар умумтаълим мактабларининг 4- ва 9-синф ўқувчилари таълим тайёргарлиги даражасининг давлат таълим стандартлари талабларига мослиги хусусида эса Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи А. Зокиров ҳамда Халқ таълими вазириликнинг Давлат таълим стандартлари мониторинг бошқармаси бошлиғи Йўлдош Асадов ҳисоботлари тингланди.

Анча танқидий руҳда ўтган кўчма ҳайъат мажлисининг мавжуд муаммоларни ҳал қилишга қаратилган амалий чора-тадбирлар белгиланган қарори қабул қилинди.

(Ҳайъат мажлисида кўтарилган масалалар билан боғлиқ батафсил маълумотлар билан газетамизнинг навбатдаги сонидеги танишишингиз мумкин.)

Б. ЖОВЛИЕВ

ТАЪЛИМ
СИФАТИ

ёхуд уни таъминлашнинг асосий омиллари хусусида

ларнинг билимидаги бўшлиқларни тўлдиришга хизмат қилувчи мониторинг таҳлилларининг ўрни алоҳида эканлигини таъкидлади.

Шундан сўнг семинар-тренинг тусини олган анжуманда Мирзо Улуғбек туманидаги 210-мактабнинг ўқувтарбия ишлари бўйича директор ўринбосари С. Нурматов "Ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражасини баҳолашнинг кўп балли рейтинг тизимига босқичма-босқич ўтиш ишлари, рейтинг тизимини жорий этишда инфор-мацион технологиялардан фойдаланиш" муаммоларига

олияти мониторинги" бора-сидаги тўпланган ўз тажрибаларини йиғилганлар билан ўртоқлашди.

260-мактабда давом этган семинар-тренингда эса Юнусобод тумани халқ таълими бўлими мониторинг сектори бошлиғи М. Мирзамухамедова "Мониторинг жараёнида ўқувчилар билимининг ДТС талабларига мослигини аниқлаш технологияси"ни (мультимедиа тизими орқали) намойиш қилган бўлса, 97-мактабнинг ўқувтарбия ишлари бўйича директор ўринбосари М. Мақсудхонова "Ўқувчилар били-



Сурхондарё вилояти Шеробод тумани 13-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Улуғбек Хўжаевдан:

САВОЛ: — Ҳозирги кунда Тошкент ахборот технологиялари университетидеги сиртдан ўқийман. Мен бир ойлик ўқишга кетган вақтларимда иш ҳақи тўланадими?

ЖАВОБ: — Мактабда ўқитувчилик қилишдан ташқари сиртдан университетда ўқиётган экансиз, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 256-моддасига биноан биринчи ва иккинчи курсда олий ва ўрта махсус ўқув юрларида сиртдан таълим олаётганларга ҳар йили камида ўттиз календарь кун, учинчи ва ундан кейинги курсда олий ва ўрта махсус ўқув юрларида сиртдан таълим олаётганларга эса ҳар йили камида қирқ календарь кун, ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча таътиллари берилди. Меҳнат кодексининг 257-моддасига биноан иш берувчи олий ва ўрта махсус ўқув юрларида сиртдан таълим олаётган ходимларга лаборатория-имтиҳон сессиясида қатнашиш мақсадида ўқув юрти жойлашган ерга бориши ва у ердан қайтиб келиши учун йилига бир марта йўл қиранинг 50 фоиздан кам бўлмаган қийматини тўлайди.

Й. АХМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кўмитаси бош мутахассиси

АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ:

БУ МУҲИМ ТАДБИР ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Барча таълим муассасаларида ёзги таътилдан кейинги таратдуд — Август кенгашларини ўтказиш борасида қизғин кечади. Бу жараёнда муаллимлар орзу-умидларини, таълим бериш соҳасидаги янгиликларни ўртоқлашадилар. Асосий мавзу — янги ўқув йили моҳияти ҳақида батафсил фикрлашувлар бўлади.

Ҳар йили анъанавий тарзда нишонланадиган август кенгашларида пухта таратдуд кўриладиган Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси тизимидаги янгиликлар бугунги давр талабларига ҳамоҳангдир. Гап шундаки, Халқ таълими вазирлигининг «Халқ таълими ходимларининг анъанавий август кенгашларида тайёргарликни ташкил этиш тўғрисида»ги буйруғи асосида вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғи чиқарилди ва ушбу муҳим тадбирни ўтказиш бўйича ишчи гуруҳла-

ри тузилди. Вилоятнинг барча зиёлилари ўқитувчи ва педагог ходимларнинг шўъба йиғилишларини ноанъанавий тарзда ўтказиш мақсадида вилоят ХТБ таълим марказида ташкил этилган семинар-тренингларида иштирок этдилар.

Август кенгашлари ва шўъба йиғилишларини тайёрлаш ҳамда ўтказиш бўйича вилоят миқёсида бўлиб ўтган семинар-тренингда 39 нафар, шаҳар, туманлардаги семинар-тренингларида 320 нафар тренер тайёрланди.

Семинар-тренингларида жонли мулоқот асосида ўтказилганлиги амалий аҳамиятга эга бўлди. Ўқитувчи-тренерлар зарур ўқув-ёзув жиҳозлари, ашёлар билан таъминланди.

Хоразм вилояти халқ таълими тизимида ҳар йили август методик шўъбаларидан олдин август ойининг иккинчи ўн кунлигида ВПҚМОИ базасида фанлар бўйича ил-

мий-методик йиғилишлар ўтказиш анъанага айланган. Бу йил ҳам ушбу анъана давом эттирилади. Унда ҳар бир фан, йўналиш тўғрисида сўз юритилиб, 2004-2005 ўқув йилидаги асосий вазифалар, жорий этилиши кутилаётган янгиликлар ва уларни татбиқ қилиш жараёни кўрсатиб берилди.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтадиган август кенгашларида халқ таълими соҳасида узоқ йиллар ишлаган меҳнат фахрийлари, илғор ўқитувчилар, ҳомийлар таклиф қилинади. Шунингдек, август кенгашларида ташаббускор ва ижодкор ўқитувчи-тарбиячиларнинг иш тажрибалари иштирокчилар эътиборига ҳавола қилиниб, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳам кўрилади.

**Феруза
ТАНГРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус
мухбири**

Фаргона шаҳрида анъанавий август кенгашларига тайёргарлик ва уни давр талаби даражасида ўтказиш одатий тусга айланиб қолган. Бу йил ҳам шундай бўлмоқда. Яқинда шаҳар халқ таълими бўлимида ўтказилган «Август кенгашларини интерфаол усулда ўтказиш» мавзусидаги семинар-тренинг амалга ошириладиган ишларга аниқлик киритди.

Авалло шунини таъкидлаш лозимки, мазкур семинар ноанъанавий тарзда ташкил этилди. Тренинг қатнашчилари билан «Музёра» йилини ўтказилди. Сўнг иштирокчи-

АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

лар махсус тайёрланган карточкалар ёрдамида кичик гуруҳларга бўлиниб, гуруҳлар ўзлари танлаган мавзулар бўйича изланишлар қилдилар. Ҳар бир гуруҳ ўз мавзулари юзасидан амалга оширган изланишларининг тақдимотини ўтказдилар. Шундан сўнг гуруҳлар томонидан «кенгаш» сўзи шарҳланди. Мазкур атамани изоҳловчи 6 та ифода келтирилди. Семинар иштирокчилари август кенгашлари ҳақида фикр алмашдилар. Гуруҳлар кенгашларини ўтказишдаги ютуқ ва камчиликларни баён этдилар. Семинардаги асосий иш қатнашчилар томонидан кенгаш лойиҳасини яратиш бўлди. Лойиҳа тайёрлашга қўйилган талаблар аниқланиб, гуруҳ аъзолари ўз фикрларини турли усулларда: график, рол ижро этиш ва ёзув кўринишида изоҳлаб бердилар.

Ҳар бир гуруҳ кенгашни ўтказишга доир ўзи танлаган мавзунини тавсия этди. Тавсия этилган 4 та мавзудан семинар иштирокчилари ўтказиладиган шаҳар август кенгаши учун «Умумий дастур, унда баркамол авлод манфаати мужассам» деган мавзунини танладилар.

— Жорий йилнинг 19-25 август кунлари бўлиб ўтадиган кенгаш айнан шу мавзуда ўтказилади, — деди шаҳар ХТБ мудири Ш.Маҳмудов. — Буни, кўриб турганингиздек, бугунги семинар-тренинг иштирокчилари белгилаб бердилар. Бугунгача

анъанавий август кенгашларига доир белгиланган барча ташкилий ишлар амалга ошириб бўлинди. Шўъбаларда педагогларимиз иш бошлашга шай турибдилар. Уларнинг бу йилги анжуманга тайёргарлиги ва муносабати ўзгача. Бойси барча педагогларимиз Президентимиз ва ҳукуматимизнинг мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастуридек дастуриламал ҳужжатлардан маънавий руҳланиб, жуда катта ўзгаришлар арафасида турганликларини ҳис этмоқдалар. Ўтказиладиган август кенгашлари эса ана шу ўзгаришларга амалий туртки бўлиши шубҳасиздир.

**Баҳоидиржон ШОКИРОВ,
«Ma'rifat»нинг махсус мухбири**

Халқ таълими ходимларининг бу йилги анъанавий август кенгаши Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 13 йиллик байрами арафасида ўтаётганлиги алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки мустақиллигимизнинг дастлабки кунидан бошлаб ёш авлод таълими ва тарбиясига, уларнинг камол топишига катта эътибор бериб келинмоқда. Давлатимизда «Таълим тўғрисида»ги қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг қабул қилиниши ҳам мустақиллигимизнинг нодир неъматли бўлиб, бугунги кунда кадрлар тайёрлаш миллий моделимизнинг дунёвий аҳамияти, нуфузи ва моҳияти ортиб бораётганлиги ислохотларнинг бир иштирокчиси сифати-

манларгача етказиб берилганлигини мамнуният билан эътироф этмоғимиз лозимдир.

Халқ таълими вазирлигининг 2004 йил 28 майдаги 114-буйруғи ҳамда бошқарманинг 2004 йил 7 июндаги 718-сонли буйруғи асосида 17-18 июнь кунлари туманимизда август кенгаши шўъба йиғилишларини интерфаол усулида ўтказиш бўйича уч босқичли семинар-тренинг машғулоти ўтказилиб, унда 34 нафар илғор педагогик технология асосида ишлаётган ижодкор ўқитувчилар ҳамда методистлар иштирок этди. Махсус курсдан ўтган тренерлар барча умумтаълим фанлари бўйича шўъба йиғилишларини (2 нафардан бўлиб) ноанъанавий шаклда

лишларига барча фанлар бўйича 1806 нафар ўқитувчи қамраб олинади.

Бу йилги анъанавий август кенгаши йиғилишлари барча йиғинларида маҳаллий ҳокимият, унинг бўлимлари, жамоат ташкилотлари, ҳомий ташкилотлар, ижодкор ва санъаткорларнинг фаол иштироки таъминланади. Шунингдек, йиғилишларнинг «Мактабга эътибор — миллатга эътибор» шиори остида ўтказилиши ҳам алоҳида аҳамиятлидир. Чунки мактаб ҳақида, унинг келажаги тўғрисида ғамхўрлик қилиш барча -барчанинг муқаддас бурчи бўлиб қолмоғи даркор.

Айни кунда анъанавий август кенгаши шўъба йиғилишларини интерфаол усуллар билан ўтка-

НОАНЪАНАВИЙЛИК — БОШ МЕЗОН

Туманимиз педагоглари анъанавий август кенгашларини ўтказишга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Бу тадбир шуниси билан ҳам аҳамиятлики, унда ўтган ўқув йилида эришилган ютуқлар, йўл қўйилган хато ва камчиликлар сарҳисоб қилинади. Келгусидаги вазифалар ва уларни амалга ошириш йўналишлари белгилаб олинади. Ана шу йўналишларни қай даражада тўғри белгилаб олишимиз янги ўқув йилидаги мақсадларимизни рўёбга чиқаришда асосий пойдевор, дастуруламал бўлиб хизмат қиладди.

Шу маънода 3 нафар услуб-шуносларимиз вилоят методика маркази томонидан анъанавий август кенгашларини ўтказиш бўйича ташкиллаштирилган семинар-тренинг машғулотида бўлиб, тегишли услубий тавсияларни ўрганиб қайтишди. Ўз навбатида бу тренер-услубчиларимиз анъанавий август кенгашлари олдиндан туманимиз фан шўъба раҳбарлари билан шўъба йиғилишларини ноанъанавий усулда, яъни семинар-тренинг тарзида ўтказиш бўйича ўқувлар ташкил этдилар.

Маълумки, янги 2004-2005 ўқув йили «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш йили», деб эълон қилинган. Шу нуқтаи назардан туманимизда ўтадиган анъанавий август кенгашларида бу борадаги вазифалар ўз аксини топадиган бўлди. Ўтган ўқув йилларида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг тўғарак раҳбарлари учун шўъба йиғилишлари фақат вилоят миқёсида ўтар эди. Жорий йилда эса бундан фарқли ўлароқ, туманимизда ўтадиган ав-

густ кенгашларида мактабдан ташқари таълим муассасалари ва мактабларда фаолият кўрсатаётган тўловли ҳамда жамоатчилик асосидаги тўғарак раҳбарлари учун ҳам янги шўъба иш бошлайди.

Янги ўқув йили олдиндан ўтадиган август кенгаши шўъба ва ялпи йиғилишларини ноанъанавий тарзда ташкиллаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Яъни шўъба йиғилишлари ялпи йиғилишлардан 10 кунча олдин режалаштирилган бўлиб, бундан кўзда тутилган мақсад шўъбаларда кўтарилган муаммоларни ялпи йиғилишга олиб чиқиш, ечимини кутаётган масалаларни давра суҳбатларида биргалликда, баҳамжиҳат ҳал этиш чораларини кўришдан иборат.

Ялпи йиғилишнинг олдинги йиллардан яна бир фарқли томони шундан иборатки, уларда нафақат ўқитувчилар, балки мактабларга бириктирилган оталиқ ташкилотлари, ҳокимлик вакилликлари, қишлоқ ва маҳалла оқсоқоллари иштирок этишди. Бунда оталиқ ташкилотлари томонидан ўқув-тарбия жараёнида юқори кўрсаткичларга эришган тизимимиз фидойилари ва таълим муассасаларини тақдирлаш учун эсдалик совгалари ҳам тайёрланган. Асосийси, фаолиятимиздаги бу муҳим тадбирни маърузахонлик, ваъзхонлик, ҳисобот бериш каби бир хил қолипдаги сийқаси чиққан усуллардан воз кечиб, байрамона руҳда давра суҳбати шаклида ўтказишни режалаштирганмиз.

**Пўлат ХОЛОВ,
Бухоро тумани халқ таълими
бўлими мудири**

ЙИҒИЛИШЛАР ИНТЕРФАОЛ УСУЛЛАРДА БЎЛАДИ

да барчани қувонтиради. Шу билан бирга Президентимизнинг 2004 йил 21 майдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий дастури тўғрисида»ги Фармоннинг ҳаётга жорий этилаётганлиги, ҳукуматимизнинг «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори барчамизга кўтаринки руҳ бағишламоқда.

Халқ таълими вазирлигининг анъанавий август кенгашларини интерфаол усулларда ўтказиш ҳақидаги махсус буйруғи ҳам ҳар биримизда янги фикрлаш, ишимизга нисбатан ижобий муносабатда бўлиш кайфиятини ҳамда масъулиятини уйғотди. Айниқса, Республика таълим маркази томонидан август кенгашларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга оид қатор методик материаллар «Маърифат» газетасида чоп этилганлиги, электрон алоқа йўли билан олиш тоғли ту-

ўтказиш бўйича пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Вилоят халқ таълими бошқармаси ҳузурдаги Методика маркази томонидан жойларга ҳар бир фан бўйича шўъба йиғилишларини интерфаол усулда ўтказиш тартиби етказиб берилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бундан ташқари, барча методистлар август кенгашларини янги шаклда ўтказиш бўйича ижодий иш олиб бормоқдалар.

Туманимизда 56 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, уларда таълим ўзбек, қозоқ ва тожик тилларида олиб борилди. Массофанинг узоклигини инобатга олиб, 17 август куни 43-ўрта мактабда таълим қозоқ ва тожик тилида олиб бориладиган мактаблар учун шўъба йиғилишлари бўлиб ўтади. 19-20 август кунлари Нурота шаҳридаги 2 та таянч-тажриба мактабида август кенгашлари шўъба йиғилиши ва ялпи йиғилишини ўтказиш режалаштирилмоқда. Шўъба йиғи-

зиш бўйича алоҳида ишчи гуруҳ иш олиб бормоқда. Халқ таълими ходимлари ўртасида ҳам бу борадаги вазифалар тақсимлаб олинган. Туман халқ таълими бўлими қошидаги Методика кабинетини томонидан август кенгаши шўъба йиғилишларида тарқатиш учун 34 та методик тавсия, барча фанлар бўйича намунавий дарс ишланмалари, 241 та таълим-тарбия жараёнига доир услубий маъруза, рефератлар тайёрлаб қўйилган. Бундан ташқари, вилоят миқёсида ўтказилган «Энг яхши дарс ишланмаси» кўрик-танловида ғолиб бўлган дарс ишланмалари ҳам ёш ўқитувчиларга тарқатилади.

Хулоса қилиб айтганда, август кенгашларини пухта тайёргарлик билан замонавий шаклда ўтказиш янги ўқув йилини самарали бошлаш учун хизмат қиладди.

**Нусрат НАРЗУЛЛАЕВ,
Навоий вилояти Нурота
тумани халқ таълими
бўлими мудири**

Бори элга яхшилиг қилгилки, мундан яхши йўқ,
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиг.

Ушбу мисралар битилганига ҳам беш аср бўляпти, умр оқар дарёдек ўтаяпти, аммо яхшилиқ каби инсоний, олий фазилат асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга кўчиб келаяпти. Дунёда кўп нарсалар ўткинчи, умр белгиланган. Яхшилиқ эса боқийликка дахлдор. Бугунги суҳбатдошимиз "Яхшилиқ" туркумидаги кўрсатувлари учун "2003 йилнинг энг фаол журналисти" деб эътироф этилган ижодкор, "Соғинчининг ранги" (1997 й.), "Қуёшга тик қараб бўлмас" (2001 йил) китобларининг муаллифи, шоир — Норқобил ЖАЛИЛ. У ўрта мактабни битириб, талаба бўлиш бахтига муяссар бўлмаган, қурилишларда ишлаб, йигитлик бурчини бажариб, сўнгра Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг филология факультети талабаси бўлган. 1998 йилдан бери Ўзбекистон телевидениеси "Маънавият" студиясида ишлаб келмоқда.



— Унутилмас хотиралар инсон ҳаётининг ўқувчилик йилларига тўғри келади. Айниқса, биринчи ўқитувчи асло ёддан чиқмайди. Унинг фазилатлари эса ўқувчиларига ҳам "юқади". Сиз шу азиз инсоннинг қай фазилатларини бугун эслай оласиз?

— Ижодкор одам йўлда кўпроқ ўйлайди. Мен ҳам "Меҳмонхона"га келаяпти, қадрдон мактабимни, меҳрибон муаллимларимни хотирладим. Кўпчилик ўқитувчи, педагог дейди, мен эса муаллим сўзини ишлатишни яхши кўраман. Чунки биз устозларимизни "муаллим" деб чақирардик, ўқитувчи деб мурожаат қилиб бўлмайди-ку! Қолаверса, муаллим устоз билан тенг туради. Ҳамон биринчи муаллимим Кимё опа Боймирзаева кўз олдимда туради. У менинг онамга ўхшарди. Ўқувчи муаллими аёл киши бўлса, ундан онасига ўхшаш фазилатни излайди. Кимё опа истарисси иссиқ, меҳрибон, ширинсўз аёл бўлиб, хатто эркалашигача онамга ўхшарди. Кимдир "Муаллим ўқувчисини қандай эркалайди?" дейиши мумкин, кимгадир бу гапларим, эришроқ туюлиши мумкин. Барибир мен муаллимим сиймосида онамни кўрардим. Кимё опа аввало мактабга, кейин фанга, илгма муҳаббат уйғотган. У бизни — уйдан ташқарига чиқмаган, мактабга кўникиши қийин бўлган болаларни эркалаб ўзига, мактабга эса уйимизга келаятгандек ўргатган.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги Мақсуд Шайхзода номидаги 21-мактаб чекка тоғли Минжир қишлоғида жойлашган бўлиб, аёл муаллималар кам эди. Лекин Кимё опа, Қорасоч опа сингари муаллимларимиз қишлоқ аёллари билан жуда яқин эдилар, ҳаманинг уйига бирма-бир кириб чиқар, ўзаро меҳр-оқибатни ҳамма нарсдан устун кўярдилар, каттаю-кичик — бари уларни ҳурмат қиларди. Кимё опанинг яна бир фазилати — у мактабга ярим соат аввал келарди. Онам раҳматли "Тура қол, ўғлим, Кимё опанг ўйинчоқ, конфет кўтариб мактабга ўтиб кетди" деб уйғотарди. Болалик эканда, сакраб туриб мактабга югурардим, муаллимимнинг ширинлик бериб эркалашига ошиқардим. Аксарият ўқувчилар устозини кутиб оларди, бизни эса синфда доим Кимё опа кутиб оларди. Бу ҳам бир фазилат-да! Муаллимим ҳар доим кулиб турарди.

— Сизда адабиёт, шеърга ҳавасни уйғотган

муҳит ҳақида ҳам билишни истардик. Бунда оиланинг таъсири устунми ёки устозларнинг ўқувчи иқтидорини илғаб кўрсатган ёрдами, ўз вақтида берган ўғитларими?

Норқобил ЖАЛИЛ:

ЯХШИЛИК — ИККИ ДУНЁ САОЛАТИНИ БЕРГУВЧИДИР

— Отам ҳам, опам ҳам зиёли бўлишмаган, оддий одамлар эди улар. Ёшлигимдан газеталарни кўп ўқирдим. 5-синфда ўқиб юрганымда туманимизнинг "Ғалаба" (ҳозир "Китоб тонги") газетасида М.Хушвақтов муаллифлигида босилган кўп мақолаларни ўқиб қолардик. Кейин сўрардим: "Домла, бу ким, сизнинг адаштингизми ёки ўзингизми?" Устозимиз кулиб қўя қоларди. Кейинчалик билсак, у адабиёт ўқитувчимиз раҳматлик Маҳмадиёр Хушвақтовнинг ўзи экан. Мен ҳам бир-иккита хабар ёзганман. Маҳмадиёр домла газетанда чиқариб берган.

Яна бир устозим Нормурод ака Жумаев эса менда адабиётга ҳақиқий муҳаббатни уйғотган ва кўп маслаҳатлар берган. Нормурод ака "Ёш адабиётчилар" тўрагаги тузган эди. Домла "Мен сизларга шеър ёзишни ўргата олмайман, фақат техникасини, назарий жиҳатларини ўргатишим мумкин" деб таъкидларди. Ўша домладан мақолада инсон дарди, айтмоқчи бўлган гапи бўлиши зарурлигини ўққанман. Мактабдаги устоз ҳақиқий устоз бўлар экан, унинг насиҳатлари қулғимда қолган. Камтарин устозларим ва оиламдаги адабиётга муҳаббат туфайли ижод дарди менга ҳам "юққан".

Яна бир қизиқ ҳолат, мен почтачини яхши кўрардим, чунки у менга хат олиб келарди. Назаримда, почтачи Абдусамат ака бутун дунё хабар, янгиликларини қишлоққа олиб келарди.

"Туркистон" (собиқ "Ёш ленинчи") газетасидан М.Абдусаматова имзоси билан "Талантнинг 99 фоизи меҳнатдан иборат" деб бошланувчи хатлар олардим. Тақдир тақозоси билан, қаранг-ки, шу газетанда Муқаддас опанинг қўлида ҳам ишладим.

— Дарвоқе, сиз "Туркистон", "Ўзбекистон овози", "Халқ сўзи" каби газета-

ларда ишлагансиз. "Ўзбекистон" телеканалининг "Маънавият" студияси тайёрлаётган "Гап чиқди", "Қалб гавҳари", "Шахсий фикр", "Кўрсатувдан кўрсатувгача", "Кинотеатр" сингари кўрсатувлар қаторида "Яхшилиқ" ҳам бугун ўз мухлисларини топиб улгурди, десак муболага бўлмас. Шу кўрсатув ташкил этилишига бирор сабаб борми?

— Дунёда яхши одамлар бисёр, уларнинг бегараз яхшиликлари эса ундан-да кўп. Ана шуларни халққа ибрат қилиб кўрсатишни ният қилганмиз.

Ҳеч бир кўрсатув бирдан дунёга келмайди. Аввало у узоқ йиллар мияда пишади. Кейингина кўрган-кечирганлар экранга олиб чиқилади. Шахсан бизнинг оиламиз ҳам одамлардан жуда кўп яхшилиқлар кўрган. Отам — Қодир Жалилов 40 йил тракторчилик қилган. Онам — Тўтиной Орол қизи уй бекаси эди.

Уйимиз қишлоқнинг ўртасида эди. Шу жойда магазин, дўхтирхона жойлашгани учун у

нинг аксариятини одамларнинг ўзлари тақлиф қиляпти. Наманганлик Жўраҳон ота ҳақида бир шифокор хат ёзиб юборган эди, Қизиги шундаки, кўрсатувимиз ижодкорлари шу шифокорни топиб, отахоннинг манзилгоҳини сўрашса, у қаерда яшашини билмаслигини айтган. Шифокор отахоннинг яхшилигини билади, манзилгоҳига эса қизиқмаган ҳам. Сўраб-суриштириб топдик, наманганлик Жўраҳон ота 4 фарзанди қаторида 50 га яқин етимни тарбиялабди. Бундай одамлар орамизда жуда кўп.

Қорақалпоғистонлик Ўзбекистон Қаҳрамони, оддий муаллим Оллониёз оға Ўтениёзов ҳақида ҳам кўрсатув тайёрладик. Оллониёз оға 46 та муҳтож, ногирон, етим оилага уй қуриб берган. Савол туғилади, у шунчалик бойми? Бой десак, уй-жойи ҳашаматли эмас, жуда оддий. Аёлининг айтишича, оғанинг ойлик олганини унинг 3 та музқаймоқ кўтариб келишидан билишаркан. Ҳатто ўзининг уйида усталар ишлаётганида, у бошқа жойда гишт қуяётган экан. Яна савол бе-

ришади, унда у ниманинг ҳисобига бошқаларга уй қуриб берапти? Оллониёз ота 25-30 йил давомида боғ қилган, боғдан келаятган даромадини, ойлигини муҳтожларга тарқатапти, уй қурапти, булар яхшилиқ эмасми?

Атрофимизда шундай одамлар бор, афсуски, биз уларни англамаймиз, билмаймиз. Кўрсатув тайёрлаш учун бирор жойга бориб уларни суриштирсак, одамлар "Шундай иш қилган эканми?" деб ҳайрон бўлишади. Демак, уларни кўпчиликка кўрсатиш, ибрат қилиш керак.

— Айримлар эса қилинган яхшилиқни, хайру эҳсонни ошкор этиш миннат дейишади. Ҳатто етимларнинг бошини иккита қилиш, суннат тўйларини ўтказиш, меҳрибонлик уйларига ҳомийлар, саховатли инсонлар кўрсатган муруват кабиларни матбуотда ёки ойнаи жаҳонда ёзиб кўрсатавериш тўғри эмас, ахир. "Ўнг қўл бергани чап қўл билмаслиги керак" деб фикрловчилар ҳам кўпайди.

— Тўғри, биз ҳам кўрсатувни ташкил этишдан аввал бу ҳақда кўп мулоҳаза юритдик. Фоиси ўйланган эди, аммо эртага нима қиламиз, шундай гаплар туғилмайдими, деган ўйга ҳам борганмиз. Яхшилиқ — ҳақиқий, миллий қадрият. Европа ва Шарқни солиштириш эмасу, лекин Фарбда отаси меҳмонга келса, ўғли ундан тортинмай қачон кетишини сўрай олади. Бизда қандай сўрайди? Ёки она фарзандини ҳарбий хизматга жўнатаётган бўлса, "Ризқи бутун бўлсин" деб иккита кулчани тишлатиб, келгунича уйи тўрида асрайди. Бу урф-одат қайси халқда бор? Бизда яхшиликнинг устувор томонлари бор, шундан келиб чиқиб кўрсатувни ташкил қилдик.

Қолаверса, яхшилиқ қилиш одамларга "юқади". Бир мисол: Бир маҳаллада бошқа миллат-



га мансуб кампир бўлиб, унинг ҳеч кими йўқ эди. У бошқа маҳалладаги бемор бўлиб ётиб қолган опахонни йўқлаб, иккита нон билан уни кўргани ҳар куни бораркан. Кўшнилари ундан сўрашибди. — Онахондан биз хабар олиб турибмиз-ку, нега ҳар куни нон кўтариб келасиз?

— Мен Ўзбекистонда яшайман, уларнинг одатларини ўрганганман. Касал бўлиб қолганимда менга ҳам ҳар куни чой-нон, ҳатто қаймоқ олиб чиқиб, хабар олишарди. Энди мен ҳам қарзимни узишим керак, бу менинг бурчим, — деб жавоб берибди ўша ўрис кампир.

Назар солсангиз, оддий одамлар кўпроқ яхшилиқ қилишади, улар бошқалардан ҳам кўп яхшилиқ кўрган-да. Яна бир нарсани айтмай, ҳаммаси қон, илдизга боғлиқ. Табиатингизда, руҳиятингизда, авлод-аждодингизда яхшилиқ қилувчилар кўп бўлса беминнат-бегараз яхшилиқ қилаверасиз.

— Сўнги аънавий савол: "Маърифат" муштарийларига тилакларингиз.

— "Маърифат"нинг мухлислари фақат ўқитувчилар эмас, сафарда бўлганимизда, кўп жойларда унинг таҳламларини кўраман. Шоир Матназар Абдулҳакимда бир гап бор: "Халқимизга яхши шоирдан ҳам кўра яхши муаллимлар керак". Дастлаб бу гап эриш туюлиши мумкин, лекин яхши шоирни ким тарбиялайди? Муаллим эмасми? Халқ дардига ярайдиганларни муаллим етиштирадими. "Улар дидли норасидаларимизни хом-хатала асарлар балосидан муҳофаза қила оладиган даражада маънавий баркамол бўлмоқлари керак" деган гап бекорга айтилмаган. "Маърифат" муштарийларига тилагим: Кўпроқ "Маърифат"ни ўқисинлар, болаларимизни маънавий қашшоқликдан асрашда билим ва "Маърифат" уларга қалқон бўлсин.

Суҳбатимиз сўнггида азиз муштарийларимизга шоирнинг сиёҳи қуриманган янги бир шеърини илиндик:

ВАТАН СИЗДАЙ...

Ватан сиздай,
хокисор, буюк.
Хайрлашиб, қучоқлар яна.
Ватан сиздай,
қўкси доғ, қуюк.
Ўзингизга ўхшайди, ОНА!

Ватан сиздай,
содда, тўпори,
Еру осмон икки кифтида.
Ватан сиздай гурурли, орли,
ОТА, Ватан сизсиз аслида!

Ватан сиздай,
беғубор, дардли,
Дунёларга
тўлмаган кўнглим.
Ватан сиздай, соғинчи оғир,
Ватан — оғам, опам
ва синглим!

Ватан сиздай, қўксида қуёш,
Порлаган эл —
қора кўзимиз.
Ватан сиздай, Кеш
ё қадимий Шош,
Ватан асли
бизнинг ЎЗИМИЗ!

Маҳмуда ВАЛИЕВА
суҳбатлашди

Jarayon

Бугун мамлакатимиздаги умумтаълим мактабларининг қай бирига борманг, албатта, у ёки бу даражадаги таъмирлаш ишларининг устидан чиқасиз. Чунки таълимнинг айна бўғинидаги энг долзарб вазифа ҳозир шу. Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ бу ишларнинг кўлами ҳар йилгидан кенгайиб кетди. Буни Мингбулоқ туманидаги 28-ўрта мактаб мисолида ҳам кўриш мумкин.

Мактаб 1981 йилда ишга туширилган ва унга туманда янги мактабларни ташкил этиш ҳамда уларнинг ишини жонлантириш каби меҳнатлари билан фидойийлик кўрсатган моҳир ўқитувчи Раимназар Мирмахмудов номи берилган. Таълим муассасаси 390 ўринли бўлиб, 386 нафар ўқувчининг кадрдон даргоҳига айланган. Дастурга мувофиқ унда жорий таъмирлаш ишлари бажарилапти. Бунинг учун бюджетдан 11000000 сўм маблағ ажратилган. Таъмирлаш ишларини эса «Мададкор» масъулияти чекланган жамият бунёдкорлари амалга оширмақда. Бугунгача мавжуд 16 та синф хонасида дурадгорлик, металлларга ишлов

бериш, ишлаб чиқариш устахоналари, физика, химия лабораториялари, 72 ўринли ошхона, спорт залларининг ички ва ташқи қисмида жами 5200 кв.см. 4000000 сўмлик сувоқ, оқлаш, 30 та эшикларни янгисига алмаштириш, электромонтаж ишлари, 4500000 сўмлик том ёпиш ишлари бажарилган.

дан ажратилган 83 минг сўм маблағ ҳам таъмир учун сарфланмоқда. Мактабга номи берилган Раимназар Мирмахмудовнинг фарзандлари ҳали ўқув йили якунланмай туриб 90000 сўм маблағ эвазига мактаб кириш қисмини таъмирлаб беришган экан. Яқинда яна 30000 сўм ажратишибди. Шу билан бирга таъмир

ган, — дейди мактаб директори Озодали Баротов. — 15 гектар майдондаги ғўзани ижарага олганмиз. Бизга яна 1,5 гектар ердаги ғўза ажратиб берилганки, ундан олинган барча даромадлар ўзимизники бўлади. Ҳозир хўжалик ҳисоб рақамида 130000 сўм пулимиз бор-у, лекин ширкатдагилар уни бериш-

қарамай ҳалигача улардан дарак бўлмаган.

— Фермерларга қайта-қайта мурожаат қилдим. Аммо ҳеч қандай садо чиқмади. Айримлари бундан очикдан-очик бош тортишди. Ваҳоланки, мана шу мактабда ўзларининг фарзандлари ва улар қатори болажонлар таълим олишади, — деб куюниб гапирди мактаб раҳбари.

Юртбошимиз фермерларга «Муस्ताқиллик кишилари, бугуннинг қахрамонлари» дея юксак баҳо берганлар. Биз номларини тилга олган фермер хўжалик раҳбарлари эса бундай хурмат ва ишончга муносибдиларми? Наҳотки, уларни фарзандларининг эртанги тақдири қизиқтирмас? Ахир ўқувчининг пухта билим олиши кўп жиҳатдан мактабда яратилган шарт-шароитларга ҳам боғлиқ-ку.

Уйлаймики, фермерлар ўз хатоларини тушуниб етадилар ва ҳечдан кўра кеч бўлса-да, мактабга ёрдам кўлини чўзадилар.

Хуршид СУЛТОНОВ,
журналист

ТАЪМИР ЯКУНЛАНМОҚДА

ҳомийлардан эса дарак йўқ

— Навбатдаги қилинажак ишларимиз барча дераза ромлари, эшикларини, полларини бўйлаб ва янги дераза ойналарини ўрнатилган иборат. Мактаб таъмири эса июль ойининг охирига қадар якунланади, — дейди «Мададкор» масъулияти чекланган жамияти раиси Турдиали Махмудов.

Бюджет маблағларидан ташқари, мактабнинг 33 сотихлари еридан ишлаб топилган 79000 сўм ҳамда ота-оналар томони-

якунлангач, барча деразаларга пардалар олиб беришини ва синф хоналарини жиҳозлашда ёрдам беришларини айтишибди. Ҳимматларига балли. Шунингдек, мактабга вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан 71 дона парта, 142 та стол, болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эса 75000 сўмлик спорт анжомлари ҳам берилган.

— Мактабимиз «Гулбоғ» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлаш-

га шошилмаяпти. Агар ҳақимизни ўз вақтида берганда эди, таъмирлашга сарфлаган бўлардик.

Шу ўринда таъмир суратини сусайтираётган энг асосий омилга тўхталсак. О.Баротовнинг маълум қилишича, тумандаги «Хайрiddин бува», «Темур Малик», «Алмати», «Абдулла Каримов», «Раҳмон ота» фермер хўжаликлари мактабга ҳомий сифатида бириктирилган. Бироқ таъмирлаш ишлари ниҳоясига етаётганига

Taraddud

ИЛК ТААССУРОТ

... «Дехқонobod» нафақат Навоий вилоятининг, балки туманининг ҳам энг олис хўжаликларидан саналади. Ана шу энг чекка қишлоқларда ҳам ўрни келганда вилоятнинг қаддини кўтарувчи билимли, оқибатли ёшлар камол топаётганлиги алоҳида эътирофга лойиқ. Бу эътирофимизнинг боиси бор, албатта. Республика миқёсида ўтказилган кўплаб турли танловлар, фан олимпиадаларида аксарият ҳолларда қизилтепалик ёшлар вилоят шарафини ёруғ юз билан ҳимоя қилишади. Кўнгилдаги шу хаёллар билан Мурод Қобилов номли 14-мактаб дарвозасига рўбарў бўлишим билан гўёки тилсимларнинг бир томони ойдинлашгандек бўлди. Узун йўлак. Икки томони кишин-ёзин ям-яшил либосда яшновчи арчалар. Сархил мевалари кўёш нурида тобланиб турган боғ димогингизга ажиб бўйлар узатса, ишқомлардаги узумлар кўзингизни қамаштиради. Мактабнинг мўъжазгина полизида сабзавот турлари, кўкатлар етиштирилади. Ҳосили йиғиштириб олинган майдонлар такрорий экинга тайёрланапти. Ўқув маскани ҳовлисидаёқ файзу баракотнинг нафаси кезиб юргандек. Биз катталаргаки шунчалар ҳарорат улашган бу ғўзаллик бегубор бола қалбига қанча ҳайрат, ҳаяжон улашаркан дея дилимдан ўтказаман. Балки иктидорнинг камол топиши қай жиҳатлардандир ана шу кўз илғамас нуқталардан бошланар. Ўқувчи гул экиб, дарахт ўтказса, устозлари раҳнамолигида уларни парваришлаб сув қуйса, меҳнатнинг маҳсули нақадар азизлигини теранроқ англай. Табиатга муҳаббат, жисмоний меҳнат ақлини пешлаб, хаёлларини мунаввар этар...

АВТОБУСДАГИ СУХБАТ ЁКИ ИККИНЧИ ТААССУРОТ

Баҳор кунлари эди. Навбатдаги бекатдан уч-тўрт нафар ўқувчи қизчалар автобусга чиқишди-ю ҳамроҳимга мавзу топилди.

— Кийимларининг этигига қаранг, кўра-япсизми, иплари осилиб илма-тешик бўлиб кетган, — деди у эътиборимни қаратишга тиришиб. — Мен ҳам ана шу дард билан бозордан келаяпман. Янги ўқув йили бошида қизимга янги мактаб формаси олиб берган эдим. Икки-уч ойда тутдай «тўкилди». Синфлардаги стулларга ўтиришнинг билан эгингизга чиппа ёпишади. Бир гал ота-оналар йиғилишида директорга айтдим ҳам. Кўпчилик маъқуллади. Лекин... Мана, яқинда ўқув йили тугаса-да, қизимнинг зорланганига янги юбка харид қилдим. Унияма кўяверинг, бир кўшимнинг ўғилчаси полдаги ленолимнинг йиртиғига туртиниб кетиб ёмон йиқилди. Ҳалиям боши оғрийди болакайнинг...

Аёлнинг гапларини жим тингладим-у кўнглимда хижиллик ўйғонди. Хотираларимдан мактабларда кўрганларим ноҳус



МАКТАБ КУТАР ЎҚУВЧИЛАРИН

ҳолатлар бир-бир ўта бошлади. Онахонни ҳам майда гапикда айболомасдим. Чунки, бу юзлаб ота-оналарнинг андиша билан ютиб келаётган дардларининг бир чимдимини холосдир балки.

Мактаб остонасига қадам қўйишим билан янгигина таъмирдан чиқарилган саранжом-саришта синф хоналарини айлангдим. Стол-стуллар худди кечагина харид қилингандек, моҳирона таъмирланган.

Оппок филофлар кийгизилган стулларга беихтиёр эгингизнинг гардини қоқиб ўтирасиз. Қоп-қора ёзув тахталарига боқиб ўқувчилик йилларим кўз ўнгимга келади: бўрни синдиргудек даражада босмасак, ёзувни илғаб бўлмаслигидан тажанг бўлардик. Бу ёзув тахталарига эса бўр юрар-юрмас хатингиз ярақлаб чиқаверади. Маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиладиган мухташам залдан тортиб, кутубхона, 30 та синф хонаси, барча имкониятлари бисёр спорт залларигача аллақачон янги ўқув йилига шай қилиб қўйилган.

ҲУКУМАТ ҚАРОРИНИ ҲИС ҚИЛИБ Учинчи таассурот

София опа Раҳматова 1988 йили директор этиб тайинланди-ю қувончи ҳам ташвишлари ҳам мактаб ҳаёти билан уйғунлашиб кетди. Қишлоқчилик. Ўқув масканидаги аҳвол ўзига яраша. Шунчаки курсида ўтиришни ор билган опа эса минг хил йўл излайди.

—Бизнинг элимизда хотин-қизларга бўлган ҳурмат барибир юқори, дейди у. —Яқинда Президентимизнинг хотин-қизларимизнинг жамиятимизда тутган ўрни-

ни янада ошириш мақсадида махсус фармон қабул қилгани ҳам бунинг яққол далилидир. Қайсики раҳбарларимизга учрамай: «Сиз аёл бошингиз билан болаларимиз учун шунча қуйиб-пишганингизда...» дея мактабнинг қайсидир муаммосини ечишга кўмаклашади.

Шу тарихи 1989 йили 160 ўринли мослаштирилган, 1995 йили эса икки қаватли, 422 ўринли замонавий тигдаги янги бинолар ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Лекин мактабнинг томи шиферланмаганлиги боис қиш кунлари болалар анча қийналишарди. Ҳукуматимизнинг таълим тизимига бўлган эътибори, вилоятда узлуксиз тартибда ўтказилаётган «Мактаблар кунини» шарофати билан ўтган йили бу муаммо ҳам ўз ечимини топди. Имкониятлар кенгайгани сари мактаб ўқувчилари эришаётган муваффақиятлар салмоғи ҳам ошиб бораётди. Натижаларга кўра билим масканини тугатаётган ёшларнинг 60-65 фоизи олий ўқув юртига юқори баллар билан ўқишга киришмоқда.

— Биз мактабни таъмирлаш ишларига ҳам ўзига хос тарзда ҳозирлик қўриб борамиз, — дейди София опа. — Йил давомида биномизда қайси муаммо болажонларимизни қийнайди, обдон ўрганамиз. Қолаверса, маблағ тўплаймиз. Мактабимиз ҳовлисидаги богимиз, полизмиздан ҳар йили 500-700 минг сўм атрофида даромад қиламиз. Сармоядан ташқари топилган бошқа пулларимизни ҳам кенгашиб ўрни-ўрнида сарфлашга уринамиз. Бундан ташқари «Дехқонobod» ширкат хўжалиги раиси Толиб ака Қодировнинг ташаббуси билан бу йилги таъмирлаш ишларига миллион сўм маблағ ажратилди. Мактабнинг собиқ ўқувчилари ҳам хамиша мактабга ҳомийлик ёрдами кўрсатиб келишмоқда. Мақсад

Норов, Мирзо Муҳаммедов, Баҳром Жумаев каби ўзларининг билими, табиркорлиги билан нуфузли ташкилотларда меҳнат қилаётган деҳқонobodликлар хизматини миннатдорчилик билан тилга олсак арзийди.

ХУЛОСА ЎРНИДА: янги ва яхши ўйлар

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўқитувчилар меҳнатини қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарорлари мактаб жамоасини ишга янада талабчанлик билан ёндашишга ундаётгани янги ўқув йилига тайёргарликлар жараёнида ҳам яққол кўзга ташланиб турибди.

София опа мазкур қарорларнинг туб моҳиятини ўрганиш, муҳокама қилиш мақсадида ўқитувчилар билан суҳбатлар ўтказар экан, уларнинг янги ўқув йилидаги ўтган йиллардагидан фарқ қилувчи, устун жиҳатларига эга режалари билан ҳам ўртоқлашмоқда. Ўқитувчилар ўзаро фикр алмашиб, илғор педагогик технологияларнинг мазмун-моҳиятини, афзалликларини таҳлил қилиши учун кенгашлар ташкил қилмоқда.

— Яқинда пойтахтда малака ошириб қайтдим, — дея сўзини давом эттиради опа. — Қарийб ўттиз йилдан буён ҳаётим ўқувчилар орасида ўтаётган-ю ҳамон ўргатаганим сари мактаб ишининг мураккаб жиҳатларига рўбарў келавераман. Қишлоқ ва шаҳар мактаби ўртасидаги имкониятлар фарқи истаимизми, йўқми ҳали сақланиб турибди. Лекин бу ғўшаларда таҳсил олаётган фарзандларимиз бир замоннинг, бир давроннинг болалари. Шундай экан, имкониятлардан имкониятлар излаб, балки, маълум оғирликларни гарданемизга олиб қишлоқ ўқувчиларининг ҳам мукамал билим олишлари учун қай-ғуришга масъулмиз. Янги ўқув йили олдидан қилаётган янги ишларимиздан яна бири кутубхонамиз фонддини синчиклаб ўрганиб чиқиб, бўлимларга ажратмоқчимиз. Ҳар бир бўлимга алоқадор манбалар, маълумотлар махсус папкаларда жамланади. Китобхона эса вақт йўқотмай истаган фурсатида папкалардан фойдаланиб ўзига зарурий манбаларни топиб фойдаланиши мумкин. Шунингдек, мактабимиз музейини кенгайтириш ниятимиз бор. Ҳукуматимизнинг халқ таълими тизимини яхшилаш борасидаги эътибори, ғам-хўрлиги, содда тил билан айтганда, ўқитувчиларимизнинг моддий жиҳатдан тўқиб яшашларига ҳам замин ҳозирлаяпти. Муаллим бутун фикри-зикри билан ўқувчига мукамал билим беришга ўзини бурчдор сезиши, шубҳасиз.

Ойбуви ОЧИЛОВА
«Ma'rifat» муҳбири

2004-2005 o'quv yili — Maktabdan tashqari ta'lim samaradorligini oshirish o'quv yili

МУАССАСАЛАР 6 ТА

Ўзбек халқининг ҳеч бир халқиникига ўхшамаган урф-одатлари, дунёқараши ва қадриятлари бор. Ана ўшандай урф-одатлардан бири меҳмон кутиш, меҳмонни отадек улуғ санаб, унга ҳурмат-иззат кўрсатишдир.

Фарғона вилояти айни кунларда ҳам яна меҳмон кутишга ҳозирлик кўрмоқда. Яна деганимизнинг сабаби шундаки, май ойида дастлаб республика халқ таълими вазирлигининг кўчма хайъат йиғилиши мазкур вилоятда бўлиб ўтгани, бир оздан сўнг эса республикадаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус таълим раҳбарлари иштирокидаги семинар ҳам Фарғонада ўтказилди.

Яқинда, аниқроғи, сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Фарғонада яна бир республика семинар-кенгаши иш бошлади ва икки кун давом этади. Маълумки, 2004-2005 ўқув йили Халқ таълими вазирлиги

кенг жамоатчилик, ота-оналар, маҳалла фаоллари, маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомий ташкилотлар ҳам жалб қилинади.

Фарғонада ўтиши кўзланаётган семинар-кенгаш «Мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини ошириш омиллари ва тараққиёт истиқболлари» мавзусида бўлади.

Ушбу семинарга ҳар бир вилоятдан тўрт нафардан мактабдан ташқари таълим муассасаси раҳбарлари, мактабларнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатидан вакиллар таклиф этилиши мўлжалланмоқда.

ВИЛОЯТДАГИ
МАСКАНЛАР

Фарғона вилоятида мактабдан ташқари муассасалар ҳамда вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар марказлари фаолият юритади.

шундаки, 2004 йилнинг шу кунига қадар 620076 нафар ўқувчи-ёшлар маҳаллий ҳудудлар ва республикамиздаги муқаддас қадамжоларни зиёрат қилдилар. Марказ фақатгина ўлкашунослик ва саёҳатлар билан шуғулланмади. Тўғарак ишларини жонлантириш, болаларни уларга кўпроқ жалб қилиш, тўғарак раҳбарлари ишини енгиллаштириш мақсадида методик тавсиялар, услубий қўлланмалар ҳам ишлаб чиқади. 2000 йилда 22 та мана шундай китобчалар чиқарилган бўлса, 2004 йилнинг 6 ойида марказ ходимлари томонидан турли мавзулардаги 18 та ўқув-услубий қўлланма яратилди. 10 йил давомида Марказнинг турли бўлимларида ва мактабларда ёш ўлкашунослар қидириб топган осори-атикалар, тарихчи, географ-ўлкашунослар ўрганган материаллар асосида 42 та жамоатчилик музейлари ташкил этилди. Марказнинг 50 ўринли ётоқхонаси, методик хоналар, 2 миллион сўмликка яқин кутубхонаси, водий-

сан» мажмуасига бевосита тегишли экомарказлар фаолияти ҳам ўрганиб чиқилди. Вилоятда 18 та шундай марказлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, ҳозирги кунда 346 та тўғаракка 17187 нафар ўқувчи қамраб олинган.

ТАЙЁРГАРЛИК
ИШЛАРИ

Семинар-кенгашга тайёргарликни ўрганиш мақсадида Марғилон шаҳрида, Риштон, Олтиариқ, Фарғона, Охунбобоев, Кува туманларида бўлди. Жойларда тайёргарлик ишлари бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган ва шулар асосида амалий ишлар бажарилмоқда. Таълим мутасаддилари туман ҳокимликларига хат билан мурожаат қилишган. Фаолияти кузатилган муассасаларда таъмирлаш ишларини тезроқ якунлаш, уларни зарур жиҳозлар, юмшоқ ва қаттиқ мебеллар билан таъминлаш, кутубхоналарни адабиётлар билан бойитиш, маънавият хоналарини жиҳозлаш, жонли бур-

ИККИ ҚАВАТЛИ БИНО
АЖРАТИЛДИ

Кувонарли томони шундаки, — дейди Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази бош директори Убайдулла Парпиев, — Кувасой шаҳридаги Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази биноси бундан бир йил аввал мана шу вилоятда директорлар кенгашини ўтказганимизда хароб аҳволда ва жуда эски эди. Республика семинар-кенгашининг Фарғона вилоятида ўтказилиши муносабати билан шаҳар халқ таълими бўлими томонидан Марказ учун икки қаватли бино ажратилибди. Бинода ҳозир таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда экан. Фарғонага келган меҳмонлар иштирокида бу бинонинг очилиш маросимини ўтказиш режалаштирилмоқда. Шунингдек биз, тадбир давомида Фарғона, Наманган, Андижон вилояти бўйича Ёш сайёҳлар ва велосайёҳларнинг ноанъанавий мусобақасини ўтказмоқ-

МАКТАБДАН ТАШҚАРИ ТАЪЛИМ: САМАРАДОРЛИККА ҚАНДАЙ ЭРИШИЛАДИ?

томонидан «Мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш ўқув йили» деб эълон қилинди. Айни кунларда эса жойларда мана шу ўқув йилига тайёргарлик ишлари қизғин кетмоқда.

Авалло газетхонларимизга маълумот ўрнида шуни айтиб ўтиш ўринлики, республикамизда ўқувчилар саройи, «Биозкосан» ўқув-услубий мажмуаси, Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар, Ёш техниклар ижодиёт, Болалар бадий ижодиёт ҳамда ўқувчи-ёшлар марказлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир марказнинг вилоятларда, туманларда ўз бўлимлари бор. Республика бўйича олиб қарайдиган бўлсак, жами муассаса ва марказлардаги тўғараклар сони 25679 та, ушбу тўғаракларга 352566 нафар ўқувчи-ёшлар жалб қилинган.

Бошланажак ўқув йилида мактабдан ташқари таълим муассасалари раҳбар ва ходимлари бу кўрсаткичларни ошириш, мактабдан ташқари таълим муассасалари ишини жонлантириш, болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг турли хил ёмон иллатларга берилиб кетмасликларининг олдини олиш мақсадида иш олиб борадилар. Энг кувонарли жиҳат шундаки, бу ишга

Мактабдан ташқари муассасалар марказининг барча туманларда ўз бўлими бўлса, ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар Кўқон, Кувасой, Фарғона шаҳарларида ва Сўх ҳамда Бувайда туманларида марказларига эга.

Вилоят ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази 1993 йилда вилоят ҳокимлигининг 280-сонли қарори билан ташкил этилган. Дастлаб уч нафар ходим ҳамда 60 нафар тўғарак аъзоси билан иш бошлаган муассаса бугунги кунда 3150 нафар тўғарак аъзоси билан машғулотларни ўтказмоқда. Марказда 13 та тўғарак фаолият юритади. Буларнинг энг қизиқарлилари эса — тарихчи-ўлкашунос, географ-ўлкашунос, санъат ўлкашунослиги, тоғ сайёҳлиги, ёш велосайёҳлар тўғаракларидир. Марказ бир йилда ўз йўналишлари бўйича 28 та тадбир ўтказди.

Болаларни республикамизнинг қадимий шаҳарлари ва муқаддас қадимжолари бўйлаб саёҳатларга олиб чиқиш ҳам марказда яхши йўлга қўйилган. 2001 йилда 150205 нафар ўқувчилар турли жойларни томоша қилган бўлса, 2002 йилда 157342 нафар бола саёҳат қилиб, ўз тафаккурини бойитди. Эътиборли жиҳати

нинг сўлим Шохимардон қишлоғида 100 ўринли «Избосар» тоғ-сайёҳлик кўнимгоҳи мавжуд.

Марказ директори Позил Сўпхўжаев ютуқлар ҳақида гапириб, камчиликларни ҳам айтиб ўтди:

— Биласизми, сайёҳлик ва ўлкашунослик энг қизиқарли соҳа. Болалар ҳам сайр-саёҳатларга, турли хил қазиб ишларини олиб боришга, яшаб-турган ҳудуди ва ўз ўлкасини ўрганишга қизиқади. Бу қизиқишни биз катталар ривожлантиришимиз керак. Марказ ишини намунали даражага етказиш учун унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш зарур. Биргина тоғ-сайёҳлиги йўналишини олиб қарайдиган бўлсак, бизга палатка, тоққа чиқадиған асбоб-ускуналар, арқон, уйқу қопи, велосипедлар, сайёҳлар учун махсус кийимлар, қазиб ишларини олиб бориш учун турли ҳажмдаги чўкичлар, чойшаблар, топилган буюмларни сақлашга мўлжалланган қутилар керак бўлади. Буларнинг ҳаммаси маблағ масаласига бориб тақалади. Яна бир муаммо эса шу кунгача тоғ-сайёҳлиги йўналиши бўйича бирорта ҳам ўзбекча қўлланманинг чиқарилмаганлигидир.

Фарғонада, шунингдек, «Биозко-

чаклар ва хона гулларини кўпайтириш, методик тавсиялар ва буклетлар тайёрлаш зарурлиги айтиб ўтилди, — дейди биз билан суҳбатда Республика ёшларининг «Биозкосан» ўқув-услубий мажмуаси директор ўринбосари Ҳасан Жалолов.

Умумтаълим мактаб базасида жойлашган мактабдан ташқари таълим муассасаларининг намунавий фаолиятини кўрсатиш, мактаб-кўштимча таълим муассасаси мажмуаси иши билан йиғилганларни таништириш, мактаб, мактабдан ва синфдан ташқари маърифий-маънавий тарбия ишларини йўлга қўйишда тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари, синф раҳбари, болалар етакчилари иш тажрибаларини оммалаштириш, таълим муассасаларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ишини ташкил этиш, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг умумтаълим мактаблари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги концепцияси асосида маҳаллалар билан алоқаларни ривожлантириш республика семинар-кенгашининг мазмунини ташкил этади.

Фарғона вилояти Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази ходимларига Наманган ҳамда Андижон вилоятидаги ҳамкасблари ҳам методик тавсияларни ишлашда, тўғарак хоналарини, услубий хоналарни жиҳозлашда ёрдам бермоқдалар.

— Бизга ажратилган бино шаҳардаги 2-мактаб билан ёнма-ён жойлашган. Бу ерда кейинчалик мактаб + мактабдан ташқари таълим мажмуаси ишини йўлга қўйиш мумкин. Айни кунларда эса 20 та хонадан иборат бўлган бинода таъмирлаш ишлари авжида. Марказда 6 та тўғарак фаолият кўрсатади, унинг ўз музейи ҳам бор, шунингдек яна 6 та тўғарагимиз мактабларда очилган, — дея суҳбатга қўшилади Кувасой шаҳридаги Ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази директори Мадаминжон Болтабоев.

Айни кунларда Фарғона вилоятида гарчи қилинажак ишлар салмоғи кўп бўлса-да, семинар-кенгашга чарча ишлар бартараф этилади, деб умид қиламиз. Чунки таълим муассасаси раҳбарлари кенг жамоатчилик ва меҳмонларни ёруғ юз билан кутиб олишни истади.

Шарифа МАДРАҲИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ЎРТА МАХСУСААН ОЛИЙ ТАЪЛИМГА

Таълим тўғрисидаги ислохотлар ўз самарасини бераётгани бу тизимдаги ўзгариш ва янгиланишларнинг бир маромда кечаётганлигидан далолатдир. Айниқса, ўрта махсус касб-хунар таълими бўғинидаги академик лицейларда чуқур билим олиб, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттираётган ўқувчи-ёшлар сони йилдан-йилга кўпаяётгани рўёбга чиқаётган ишларнинг натижасидир. Дарҳақиқат, замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўркем биналардаги шарт-шароитлардан фойдаланиб, илм сирларини чуқур эгаллаётган ўқувчиларнинг билим савияси олий даргоҳларга ўқишга киришдаги синовларда қўл келаятгани сир эмас. Тошкент ирригация ва мелиорация институти қошидаги Юнусобод академик лицейининг жорий йилдаги битирувчилари ҳам олинган

билимларни олий таълим синовларида қўлламоқдалар.

Мазкур таълим муассасасининг 132 нафар битирувчиларининг 90 фоиздан ортиғи тест синовларида ўзларини синая кўрмоқчи. Уларнинг 60 фоиздан ошми мазкур Тошкент ирригация ва мелиорация институтига, аксарияти ихтисослашган соҳа бўйича Ўзбекистон Миллий университети,

Тошкент давлат техника университети, қолаверса; вилоятлардаги олий таълим муассасаларига хужжат топширганлар. Бу ерда асосан уч йўналишда — аниқ фанлар, ижтимоий гуманитар фанлар ҳамда табиий фанлар бўйича таълим берилади. Ўқувчи-ёшларга 20 нафарга яқин

фан номзоди, доцентлар фанлар бўйича чуқурлаштирилган билим беради.

— Ёшларга билим бериш билан бирга, — дейди академик лицей директори Аҳрор Хусанов, — ўқитувчилар илмий изланишлар ҳам олиб борадилар. Айни чоғда кимё фани ўқитувчиси Анзират Дўстматова, педагогика фанлари номзоди Дўстназар Хикматуллаев, олий тоифали физика ўқитувчиси Умида Йўлдошеввалар номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиш арафасида.

Шунингдек, таълим муассасасида маънавий-маърифий соҳада ҳам қатор ибратли ишлар амлага ошириб келинмоқда. Ёшларни турли қабиҳ иллатлар-

дан сақлаб, уларнинг маданий дунёқарагини юксалтириш борасида турли ижодий кечалар, учрашувлар, тадбирлар ўтказиб келинади. Айниқса, ижодкорлар, шоир ва ёзувчилар билан учрашувлар ташкил қилиш мунтазам йўлга қўйилган. Ёшларнинг спорт зал, билан мунтазам шуғулланишлари учун ёзги ва қишки спорт майдончалари, улардаги шароитларнинг тўла-тўқислиги ҳам эътиборга моликдир. Бу майдонларда улар жисмоний ва руҳий чиникадилар.

Бу йилги мавсумда ушбу лицейга ўқиш иштиёқида хужжат топширган ёшлар ҳар йилгидан-да гавжумлиги сезилмоқда. Академик лицейда яратилган қулай шарт-шароитлар ёшларни ўзига чорламоқда.

Ғофур ЖАБИЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Akademik litseylarda

Бошқаларни билмадим-у, лекин мен хат ёзишга, айниқса, устозларимга мактуб битишга узоқ тайёргарлик кўрсам-да, рости, жуда қийналаман. Энг аввало, гапни нимадан бошлаш ҳақида обдон бош қотиришга тўғри келади. Чунки мазкур иншонинг қанчалик таъсирчан чиқиши унинг ибтидосига, муқаддимасига ҳар томонлама боғлиқ. Қолаверса, дил изҳорини баён этиш учун ишлаётган сўзларни тўғри қўлладимми, муаллимим унинг хатосини топиб, қизил қалам билан белги қўймасмикан, дея ҳаяжон болади.

Бироқ, Шарифа опа, Сизга аталган ушбу дипломани қозоғга тушуриш учун заррача мушкулот сезганим йўқ. Зеро, унинг гижимлаб ташланган дастлабки "лойиха"лари 1992 йилда тайёрлана бошлаган, десам, балки ҳозир кўпчилик ишонмас, ҳар қалай бунинг ўзига хос бир сана билан боғлиқ эканини азиз ўқувчимиз мазкур қораламанинг охирида билиб олиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Бугун сиз тан оласизми, йўқми, барибир, очик айтиш керак, тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаган пайтингизда жудаям қаттиққўл эдингиз. Таъбир жоиз бўлса, уни талабчанликнинг юқори нуқтаси дейиш мумкин эди. Ўзлаштириши паст, амалдаги тартиб-қоида бузадиган, қизларнинг сочидан тортиб қийнайдиган ёхуд ўқитувчиларнинг стулига "кнопка" қўядиган шаддод болалар у ёқда турсин, мактабда ўтказиладиган ҳар қандай тадбирда фаол қатнашадиган аълочи ўқувчилар ҳам сизни кўрганда бир сесканиб қўярди.

Танганинг икки томони бўлганидек, ўта талабчанликнинг ҳам ижобий, ҳам салбий самараси ярқ этиб кўзга ташла-

ниб турарди. Ижобийси шуки, мактабимиз тартиб-интизом, турли кўрик-танловларда қатнашиш борасида нафақат туманда, балки Қорақалпоғистон Республикасида ҳам доимо олдинги ўринларда бўларди. Салбий томони эса... Сизни кўпчилик ўқувчилар (жумладан, мен ҳам) мулоим гапириб болаларга меҳр бера олмайдиган, аксинча, жангга қираётган ботирдек ҳар сўзи ва ҳаракатида шиддат ёғилиб турган аёл сифатида тасаввур қилардик.

Аммо бевосита тарих фанидан сабоқ бера бошлаганингиз-



ШАРИФА – АЗИЗ, МУҚАДДАС ДЕГАНИ

дан кейин сиз ҳақингиздаги дастлабки тасаввурлар нақадар алдамчи эканлиги ойдинлаша бошлади, ҳали иккинчи чорак тугаб улгурмасдан биз ўқувчилар Шарифа Эгамберганоунинг ҳақиқий портретини чизиб улгургандик ўшанда.

Энди Сизни кўрсак асло чўчимасдик, аксинча, дарс жадвалига тарих фани кўпроқ қўйилса, деган ҳаёлга борадиган бўлдик. Чунки Сиз ёшларга нафақат меҳр бера олишингизни, балки келажак авлоднинг қалбида Ватанга, ота-онага, устоз-муаллимларга нисбатан меҳр уйғота олишингизни амалда ишботладингиз.

Очиги, Сизга ҳавасим келади. Қанча шогирдингиз бор. Бири давлат идорасида масъул ходим, иккинчиси иxtirochilik ишида ёнаётган муҳандис, бoshqasi oliy toifali shifokor, yana biri худди ўзингиз

сингари ўқитувчи. Улар доим Сизнинг ёнингизда бўлиш орзусида шу касбни танлаган бўлса не ажаб. Шундай ҳам бўлди-ку ахир. Ҳозир Сизнинг раҳбарлигингизда болажонларга сабоқ бераётган шогирдларингизнинг қанчалик кўплигини ўзингиз ҳам билмасангиз керак.

Жонажон мактабимизни турли йилларда тугатган собиқ ўқувчилар орасида бир гап юради. Эмишимиз Сиз, айниқса, 1992 йилги битирувчиларга бошқалардан кўра кўпроқ меҳр бергансиз, шу синфда ўқиган ҳар бир боланинг яқин сирдошига айлангансиз. Бу гапни эшитишигиз билан кимлар кўз олдингизни келганини биламан. Шунинг учун ҳам 30 нафар ўқувчининг исми-шарифини такрорлашга ҳожат йўқ деб ўйлайман. Фақат бошқа муаллимларнинг билимини, ҳаёт тажрибасини,

«O'qituvchim - faxrim» tanloviga

берган сабоқларини заррача камситмаган ҳолда бир нарсани айтиб қўйишим керак: биз ҳам сизни худди жонкуяр синф раҳбаримиз Абдулла Холмуродов сингари энг яқин сирдош деб билардик. Ва ҳозир ҳам шундай.

Қайси йили экани эсимда йўғу, ё олтинчи, ё етинчи синфда ўқирдик. Иккинчи дарс соати тарих фани эди. Мен доска олдида синфдошим Фулом Рўзимов билан "...тахт вориси

— Ука, сиз қаердан келдингиз?

Шу пайт дадамнинг, Абдулла акамнинг берилган саволга аниқ ва лўнда жавоб бериш зарур, деган ўғитларини эсга олдим.

— Беруний туманидан.

— Ҳа-а, берунийлик курсдошларим бор, биз ҳам 20 йил олдин мана шу ерда катта ҳаяжон билан ҳужжат топшириб, кейин беш йил ўқиганмиз. Агар хотирам алдамаётган бўлса, Берунийдан Шарифа Эгамберганоун деган қиз бор эди...

— Ҳозир ҳам бор, - дедим гапни охиригача эшитмай, - бизга тарих фанидан дарс берган, жуда зўр ўқитувчи, ўқувчилар билан яқин дўстдай муомала қилади.

Шу суҳбат туртки бўлди-ю ижарада турган уйга келишим билан, юқорида таъкидлаганимдек, Сизга хат ёзишга киришдим. Мақсадим Сиз ўқиган институтга ҳужжат топширганганимни, бундан қанчалик гурурланаётганимни тезроқ етказмоқчи эдим. Қарангки, ана ўша мактубга мана энди нуқта қўйилмоқда.

Устоз, бир пайтлар ўзингиз дўст тутинишга ундаган китобларнинг хабар беришича, Шарифа - азиз, муқаддас дегани экан. Сўзимнинг охирида айтмоқчиманки, Сиз чорак аср давомида сабоқ берган минглаб ўқувчиларингиз учун ҳар доим азиз инсон, билимга қон мактабнинг беғубор онларини эслатиб турувчи кадрли устоз, меҳридарё муаллим бўлиб қолаверасиз...

Эҳтиром билан,
Озод РАЖАБОВ,
Халқ таълими аълочиси

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ» – АДОЛАТ МЕЗОНИ

Тарихимиз илдишларини ўрганишда бизгача етиб келган ёзма ёдгорликларнинг аҳамияти бекиёс. Ана шундай манбалардан бири "Темур тузуклари"дир. У 2 қисм ва 56 банддан иборат тарихий-ҳуқуқий асардир. Асарнинг 1-қисмида Амир Темурнинг ёшлигидан то умрининг охирига қадар кенган ҳаёти ва ижтимоий сиёсий фаолияти, ҳарбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисмда, Амир Темур томонидан тахт ворисларига қилинган насиҳатлар, давлат бошқаруви тизими кабилар баён қилинган.

"Темур тузуклари" — Амир Темурнинг тарихи, унинг замонида, аниқроғи 1342-1405 йиллар орасида Мовароуннахрнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи, Темур ва Темурийлар давлати, ўша йилларда Темур давлатининг қўшни мамлакатлар ва халқлар билан бўлган муносабатлари ҳақида ҳикоя қилади.

Амир Темур ўзининг улкан империясини улусларга бўлиб идора қилган. Мовароуннахрдан ташқаридаги унга бўйсунувчи барча мамлакатлар-

ни тўрт улусга бўлиб ўғилларига тақсимлаб берган.

Тузуқларда вазирлар, амирлар ва валийлар ҳақида ҳам сўз бориб, мамлакатда 7 нафар:

1) Мамлакат ва раият ишлари бўйича;

2) Ҳарбий ишлар бўйича;

3) Эгасиз қолган мол-мулкларни тасарруф этиш бўйича;

4) Салтанатнинг кирим-чиқимини бошқариш бўйича;

5,6,7) Сарҳад (чегара) вилоятларининг ишларини назорат қилувчи вазирлар бўлган. Тузуқларда: "Вазирлар салтанат устунларидир... Мамлакат ободончилиги, раиятнинг тинчлигини, сипоҳларнинг бирлигини, хазина бойлигини доимо кўзда тутадилар. Давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдилар. Салтанатга зарарли нарсаларни қайтаришда молу жонини аямайдилар", дейилади.

Тузуқларда шунингдек, вазирлар, амирлар, ҳокимларга бериладиган инъомлар ҳақида ҳам гапирилган. Масалан, амир бирон қўшинни енгса, ёки

мамлакатни забт этса, уни 3 нарса;

1) туғ, ногора ва баҳодирлик мартабаси;

2) давлат кенгашига бемалол кириш ҳуқуқи;

3) бирон сарҳаднинг ноиблиги билан сийланган.

Расмий маросимларда, яъни подшонинг олий мажлисларида ўтириш мотлар ҳам диққатга сазовор.

Айтишларича, сайидлар, қозилар, уламо, фузало, машойих, улуг ва олий табақадаги кишилар подшонинг ўнг тарафидан, амир ул-умаро, бекларбеги, амирлар, мингбоши, юзбошилар мансаб ва мартабаларига қараб подшонинг сўл томонида ўтирилганлар. Девонбеги, вазирлар тахт рўбарўсидан, калонталар, катхудолар — вазирларнинг орқасидан жой олганлар. Баҳодирлар, қиличбоз йигитлар — тахт орқасида, унинг ўнг тарафидан, қоровуллар — тахт орқасида, унинг чап тарафидан ўрин олганлар.

"Тузуқлар"да Амир Темур даврида алоҳида ундирилладиган солиқ ва жарималар ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар

бор. Ўша вақтларда солиқ тўловчи халқдан хирож, молу жиҳот, соворин, қўналга, бож, шилон, рули сингари солиқ ва жарималар ундирилган. Уларни йиғиш ва харж қилишга алоҳида эътибор берилган.

"Темур тузуклари" асарининг кўлёзма ва тошбосма нусхалари кўп тарқалган. Бугунги кунда "Темур тузуклари"ни АҚШ, Англия, Финляндия, Дания, Эрон, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Яман кутубхоналаридан топиш мумкин. Асар 1783 йилда инглиз, 1785 йилда ва 1791 йилда ҳинд, 1868 йилда форс, 1787 йилда француз, 1830 йилда яна инглиз, 1845 йилда урду, 1894, 1934 йилда рус тилида нашр этилган.

Бу асардан кўплаб шарҳ ҳукмдорлари ўзларининг фаолиятлари давомида фойдаланганлар ва унга юқори баҳо берганлар.

"Темур тузуклари" асари — адолат мезонлари асосида равнақ топаётган ҳар бир мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида пойдевор манбалардан бири ҳисобланади.

Ирода ОДИЛОВА,
Тошкент давлат шарқшунослик институти талабаси

"Меҳрибонлик" соғломлаштириш оромгоҳи Бўстонлик туманида жойлашган. Бу даргоҳда вилоятлардаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланувчи болалар дам олмақдалар. Оромгоҳда "Каштачилик", "Шахмат-шашка", "Ёш эколог", "Ёш саёҳатчилар" тўғарақлари фаолият кўрсатаёпти. Экология хонасида экология йўналишидаги адабиётлар, мажмуа томонидан ишлаб чиқилган дастурлар, қўлланмалар, "Қизил китоб" бор.

Хонада ўсимлик ва

ҳайвонлар яшайдиган худудлар харитаси, ўсимлик ва ҳайвонлар тасвири туширилган плакатлар, Чотқолда яшайдиган ҳайвонлар ва ўсадиган ўсимликлар, "Табиат болалар нигоҳида" номли расм-плакат, "Қизил китоб"га киритилган ўсимликлар рўйхати бор. Экология бурчагида тўғарақ аъзолари рўйхати, дастур, қилинадиган ишлар режаси ва талаблар қўйилган. "Ёш 2004", "Оромгоҳлардаги тўғарақларда гербарийлар тайёрлаш" дастури асосида машғулотлар олиб борилди. Машғулотларда бола-

ларга адирларда, сой бўйларига ўсадиган доривор ўсимликларни йиғиш, кўп ўсимликлар "Қизил китоб"га киргани учун улардан кам миқдорда териш тушунтирилди. Гербарийларни куриштириш ва тайёрлаш усуллари ҳам ўргатилди. Бундан ташқари тоғ райҳони, лимонўт, наъматак, ялпиз, жамбил, баргизуб, жағжағ, далачай, сачратқи, ўлмас ўтлар хусусиятини дам олувчилар билиб олдилар. Улардан касалликлар учун дамлама тайёрлаш усуллари ҳам ўргатилди. Капалак, кўнғиз, чигиртка, арилар қотирилиб, кол-

«ЁШ ЭКОЛОГ» ОРОМГОҲДА

лекциялар тайёрланди. "Ёш эколог" номли деворий газета чиқарилди. Шунингдек, расмлар кўриклари ўтказилди. Танловга оромгоҳ бош расмиси Галина Медведова бошчилик қилди. Тўғарақ аъзолари билан "Гуллар байрами", "Витаминлар" мавзусида экологик сахна кўринишлари намойиш этилди.

Карима ТУРДИЕВА,
"Биозкосан" ўқув-услубий мажмуаси бўлим бошлиғи

Қозоғистон тажрибасидан

Республикамизда ўтказилган тренинглари кўши қозоғистонлик тренерлар Д.Айджанова, Г.Закаева, Ш. Каймульдина, Т.Ботирхонова, Ш. Джакупова, А.Искакова (мактабгача таълим бўйича), Н.Байсенова, Е.Бабенко, Т.Донец, Н.Борисенко (бошланғич синф бўйича) олиб борди. Қозоғистон «Қадам-бақадам» бўйича 8 йилдан буён ишлайди. Шу йиллар ичида уларда тажрибалар тўпланган. Бу борада Қозоғистон бўйича «Тай-тай» («Қадам-бақадам») дастури директори Дина Айджанова куйидагиларни ҳикоя қилди: 8 йил мобайнида 3500 нафар педагог ходимлар «Тай-тай» технологияси бўйича малака оширди. 34500 нафардан зиёд ота-оналар бу жараёнга бево-сита жалб қилинган. Ҳозирда республикамизда 650 та мактабгача таълим муассасаси гуруҳлари, 395 та мактаб синфлари, 22 та олий ўқув юртлари ва коллежлар «Қадам-бақадам» бўйича таълимни ташкил этган. Бугунги кунда унинг натижалари кўзга ташланмоқда.

«Қадам-бақадам» фалсафаси

Бу усулдаги таълим жараёнида марказда бола туради. Унинг атрофидаги оила, боғча, мактаб, жамият ўртасида эса узилиш бўлмаслиги керак. Улар ўртасида ишонч кўприги ўрнатилсагина боланинг ҳар томонлама ривожланишига эришиш мумкин. Шунинг учун болага буйруқ беришдан йироқ ҳолда доим танлаш ҳуқуқи берилди. Бу демократик таълимнинг асосий талабидир. Ва яна «Қадам-бақадам» имкониятлари чекланган, яъни ривожланишида нуқсон бор болаларнинг ҳам жамиятда ўз ўрнини эгаллашига ёрдам беришни мақсад қилган. Дастур «маҳсус мактаблар» деган чегараланган иш услубидан қочиш тарафдори. Аксинча, болани инклюзив ривожлантириб жамоатчилик орасида фаол иштирокини таъминлашни кўзлайди. Бу вазифалар шунчаки гап эмас. Уларнинг амалдаги исботини кўриш учун шароит, муҳит яратилиши ва тарбиячи, ўқитувчилар чуқур масъулиятни ҳис қила билиши керак. Шунинг учун педагог кадрлар профессионалликка эришиш муҳим масала.

«Қадам-бақадам»да тарбиячи ва ўқитувчининг роли

Тарбиячилар энди буйруқ берувчи эмас. Аввало, тарбиячи томонидан болаларнинг қизиқувчанлик ва идрокли атмосфераси яратилади. Ҳаммага бир хил муносабат шаклланиши талаб қилинади. Яъни, болалардан бири тарбиячининг «эркатойи» бўлиши бошқалар иштиёқини сўндиради. Тарбиячи тафаккурида муҳим бир тушунча шаклланиши лозим: **иккита бир хил бола йўқ. Ҳар бир болада ўзига хос қобилият бор.** Шунда тарбиячи битта ҳақиқатни кашф қилади: Мен ҳар бир бола билан индивидуал ишлашим керак. Шунинг

дек, тренинг иштирокчилари гуруҳда актёр, рассом, психолог, кузатувчи, ўта масъулиятли, эшита билладиган, ҳиссиётларга берилмайдиган бошқарувчи бўлиши кераклигини эътироф этишди.

«Қадам-бақадам»да ота-онанинг иштироки

Анъанавий таълим тизимида ота-оналар оддий кузатувчи ва ўз боласининг адвокатига айланиб қолганлигини тан олишимиз керак. Улар ўқитувчини тан олишни ва боғчани, мактабни қўллаб-қувватлашни хохламайди. Ўзининг бурчларини боғча, мактабга ташлаб қўйган. «Қадам-бақадам» ота-оналарни ўз фарзанди учун қайғуришга ўргатади. Энди улар кузатувчи эмас, бевоси-

белгилайди. Ва ҳар бир марказдаги жиҳоз бола соғлигига салбий таъсир қилмайдиган бўлиши керак. Марказларнинг жойлашиши ҳам ҳар томонлама ҳисобга олиниши лозим. Ҳар бир марказнинг ўз белгиси бўлганлиги маъқул. Энди бола қизиқишларига биноан қайси марказда ишлашини ўзи ҳал қилади. Чизишни, расм солишни севадиган бола ҳар куни битта марказни танлаши мумкин-ку дейишингиз мумкин. Бунда санаш, ўйин орқали улар марказларга бўлинади. Ёки мусиқа ёки тасвирий санъат маркази орқали ҳам математик тушунчаларни мустаҳкамлаш мумкин. Энди биргина тарбиячи барча марказларда ишлаб, болаларни назорат қила олмайди деган та-

стур доирасида малака оширди. Унда бир ҳафта мобайнида «Танишув», «Боланинг муҳит билан мослашуви», «Тарбиячининг гуруҳдаги роли», «Эрталлабки машғулот», «Индивидуализация», «Ота-оналар билан ишлаш», «Машғулотларни режалаштириш», «Ўқиш, ёзишга ўргатиш», «Буйруқ бериш», «Баҳолаш», «Китоблар билан ишлаш», «Натижаларни ҳулосалаш» мавзуларида тренинглари олиб борилди. Бу жараёнда болани фаоллаштирувчи жуда кўплаб ўйинлар, ноанъанавий таълимий ҳаракатларни иштирокчилар ўзларига олишди. Олайлик, қуриш, ясаш машғулоти. Анъанавий педагогикамизда болаларга бирор предмет кўрсатилди. Ва худди шундай нарсани ясаш учун уларга буйруқ бе-

Seminar-trening

ча тарбияланувчиларни тарбиялашга аҳд қилдим,— дейди Боғот туманидаги 1-«Гулгунча» МТМ тарбиячиси Мақсуда Курбонова.

Бухоро вилоят ХТБ мактабгача таълим бўлими бошлиғи Замира Султонова шундай деди:

— Вилоятимиздаги 8-мактаб ва унинг ёнидаги 34-МТМ 2003 йилда ушу дастурга танловда голиб бўлиб кирган эди. Ундаги болаларнинг ўзлаштириш натижаси бир йилдаёқ кўзга ташланди. Бу ўқув йилида Ромитан туманидаги 11-мактаб ва ёнидаги «Бинафша» мактабгача таълим муассасаси «Қадам-бақадам» бўйича иш бошлайди. Уларда, албатта, ҳар томонлама теран фикрловчи болалар тарбияланади.

Булар тажрибадан келиб чиқиб айтилган гаплар эди.

**Муҳтарам устоз!
Илтимос,
Сиз болага
тенглашинг!**

Мазкур тренинглари бир ҳафтасида бошланғич синф ўқувчилари малака оширадилар. Унда ҳам юқоридаги мақсадлар кўзланган ва соддан мураккабга йўналган ҳолда иш қўрилди. Ўқувларда ўқитувчи мутахассислар психологиясига Томас Гордоннинг қуйидаги фикрлари сингдирилди: «Яхши ўқитувчи ҳар доим бир хил кайфиятда бўлади, кучли ҳис-туйғуларининг ҳеч қачон болаларга таъсирини ўтказмайди. У ҳаммага бирдек бўлади ва унинг синфда «эркатойи» бўлмайди».

Шу асосда ўқувчини исми билан чақирдишга, уларга нисбатан ростгўй, эътиборли бўлиш қоидалари доирасида режали ишлашни ўқитувчилар ўргандилар. Хусусан, боланинг тўлақонли ривожланишига имкон берадиган усулларга кенг тўхтаб ўтилди.

Маълум бир иш «бола» — ўқитувчиларга бажариш учун берилди. Топшириқни вақтли бажарганларга қўшимча вазифа берилди ва қолганлар ҳам зинама-зина бир-бирига етказилди. Ҳар бир бола билан индивидуал муносабатда бўлинди. Ўқув режа тузилаётганда вазифаларни секин бажарган болалар билан ишлаш киритилди. Натижа: болалар ўртасида фаоллик марказлари яратилди. Тренингларида тренерлар мутахассислар олдида қуйидаги талабни қўйди: **Сиз шундай қилинги, ҳар қандай шароитда ҳам сиз тарбиягизда болага тенглашинг ва улар бутун умр билим олишга қизиқсин.**

Кўриниб турибдики, дастурнинг қиммати — унинг кенг қамровли таълим бериш усулининг афзаллигида. Барча тренингларида олинган ҳулосани шундай келтириш мумкин: **бугунги кунда таълим мазмунини эмас, таълим услубини ўзгартириш муҳим.**

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat»нинг махсус муҳбири

«ҚАДАМ-БАҚАДАМ»НИНГ ЯНА БИР ҚАДАМИ

Мактаб таълимини ривожлантиришга эътибор қаратадиган PEAKS дастури ҳозирда дунёда мавжуд энг илгор таълим бериш усулларида фойдаланади. Шунинг учун ҳам унинг қамрови тез ва самарали охиб бормоқда. Ўзбекистон икки йилдирки йигирма тўққизинчи давлат бўлиб PEAKS дастури доирасида «Қадам-бақадам» лойиҳаси ХТБ билан ҳамкорликда иш олиб боришга киришди. Мазкур дастур таълим узлуксизлигига риоя қилади. Шу боис йўналиш, энг аввало, педагог кадрлар малакасини ошириш, ота-оналар билан ишлаш, мактабларни молиялаштириш ва уларнинг микротузилмасини яхшилашни мақсад қилиб қўйган. Шундай қилиб «Чорвоқ оромгоҳи»да мактабгача таълим муассасалари ходимлари ва бошланғич таълим мутахассисларининг малакасини оширувчи 5-ўқув тренинглари ўтказилди. Амалий семинар-тренинглари бошланишида иштирокчиларга PEAKS дастури директори Камол Жиянхўжаев, «Қадам-бақадам» дастурининг Ўзбекистон бўйича директори Ҳамида Аҳмедова омад тилади ва шундай деди: PEAKS ва унинг доирасидаги «Қадам-бақадам» дастури дастлаб 10 та мактаб ва улар атрофидаги МТМлар билан иш бошлаган бўлса, ҳозирда улар сони 50 та МТМ гуруҳи ва 52 та мактаб синфларига кенгайди. Дастурнинг асосий қоидаси ҳамкорлик. Яъни педагогик технологиялар орқали ўзаро ҳамкорлик, интерфаол усулларда тажриба алмашиш нафақат сизнинг боғча ёки мактабингизни, балки бошқа ҳамкасбларингизни, энг асосийси болаларингизни ҳар томонлама ривожланишига хизмат қилади.

та таълим ва тарбия иштирокчисига айланади: турли марказларда ишлаш ҳуқуқи бор, ўз боласини тенгдошлари билан солиштириш имкониятига эга, шароитдан келиб чиқиб, ижодкорлик билан синфга ҳиссасини қўшиши мумкин. **Ота-оналар бунда шунчаки фарзандидан бугун нима единг ёки сени ҳеч ким урмади ми деб сўрамайди.** Балки, сен нималарни ўргандинг, менинг бирон ёрдамим керакми, деб сўрай бошлайди. Шундай ҳолат юз берсагина бола — ота-она — боғча-мактаб ўртасидаги халқа мустаҳкамланади.

Марказларда қандай ишланади?

Гуруҳда болалар ҳар куни бир хил, яъни уч қатор қўйилган парталарда қўлларини йиғиштирганича ўтиришмайди. Улар марказларда мустақил ишлайди. Гуруҳда фан (ўқиш, математика, ёзиш), маркази, кум ва сув, табиат, қуриш ва ясаш, кулинария, тасвирий санъат, мусиқа, соғломлаштириш марказлари ташкил этилади. Ҳар бир марказ ўзига тегишли материаллар билан жиҳозланади. Марказлар чегарасини полкали мебеллар

бий савол туғилади. Албатта, бу ҳолатда ота-оналар марказларда ишлашга тақлиф қилинади.

Қутилаётган натижалар

Қисқача шундай: ҳар бир бола билан индивидуал ишлаш ва ҳар қайсисининг қобилиятини ҳурмат қилиш орқали мустақил фикрли шахс шаклланади. Бола биров чизган чизқидан юрмайди, билъакс танқидий муносабат билан атрофга назар солади. Улар аввало ўзини севади ва қадрлайди. Шунинг орқасидан бошқалар фикрини, меҳнатини ҳурмат қилади. Ходисаларга нисбатан беъэтибор бўлмайди. Атрофга мулоҳазали қарайди, ўз ҳаракатларига ишонади. Бунда ривожланишида нуқсон бор болаларнинг ҳам жамиятга муносабати ўзгаради. У ўзининг имкониятларини чегараланган деб ўйламайди. Янада жамоа билан ишлашга интилади.

Бир хил куён керакми... ҳар хил куён?..

Бу галги ўқувларда 60 дан зиёд МТМ мутахассислари да-

риларди. Натижада болаларнинг маҳсулоти шаблон — яъни бир хил бўлади. Тренингда ушбу усул қўлланиб, кўрсатилган намунага ўхшаган куён ясаш буюрилди. Деворда ёпиштирилган куёнлар бир хил эди: ранги оппоқ, қулоқлари шалпанқулоқ. Кейин ҳаммага ўз фантазияси, хаёллари асосида куён ясашга команда берилди. Бунда барча тер тўқди, бор иқтидорини ишга солди. Иложига борича ёнидагиларникидан ўз куёнининг чиройли бўлишига ҳаракат қилди. Шубҳасиз энди куёнлар бир-бирини тақорламас эди: бири чизилган, бири қирқиб ёпиштирилган, бири образли, бири сабзилар ичида... Ана энди болага шундай имконият яратиб кўринг-чи! Албатта, натижа аён. Шундай қизиқарли тренинглари мобайнида қатнашчилар муносабатига қулоқ тутдим.

—140 ўринли боғчамизда «Қадам-бақадам» гуруҳлари очилди. Ўтказилаётган тренингларида болалар билан ноанъанавий усулларда ишлаш йўллари ўрганаётган. Ушбу усул билан нафақат «Қадам-бақадам» доирасидаги гуруҳ болаларини балки, бар-

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.)

**VIII БОБ
КЎНГИЛ СЕЗАДИ**

Шунда ич-ичимда фахрлаб қолдимки, бу каби шарҳлариму такрорларим замирида нимадан дидир қаноатланмаслик борга ўхшаётди. Ўшани излаб-кавлаб топгандай бўлдим: ҳа-ҳа, Матёкуб Қўшжонов Адабиётнинг пайдо бўлиши хусусида айтган фикр-мулоҳазалари, аниқроғи, Афлотуннинг ақидалари ила /бу борада/ чекланишларини эшитаётган чоғимда ҳам бу нарсаларни ич-ичимда — хиссан туюшимни, бежизга Адабиёт деган мўъжизага — Онага, Отага ва ҳатто Севгига қарагандай қарашимнинг... илмий тасдиғини топаётган эканман.

Бинобарин, домла Қўшжонов бошқа томондан ҳам ҳақдирлар: демак, ҳар қандай ҳаётий муам-

билан кесиб, кейин уни ёнбағирдан қуйига думалатиб, ниҳоят, машинага ортиб келган бўлардик...

Ушбу хаёллар оғушида Менгзиё билан ёнма-ён кетар эканман, бу сафар Янги йилни, тўғрироғи, Арча байрамими Бойсунда ўтказишни истаётганимни пайқаб қолдим-у Элмурод акага “ҳаракат қиламан”, дея вадани чала қилганим эсимга тушиб кетди. Нега ундай дедим экан? Балки бултур ҳам байрам арафасида Бойсунга кетишни истаган дирман-у нимадир сабаб бўлиб, шаҳарда — ҳамхоналарим ёнида қолгандирман. Шундай бўлса керак: наздимда, Саидадан — демак, Зумраддан, балки мунглиф Камолдан узоклашгим келмагандир... Аммо нечук бўлиб Янги йилни биргаликда кутиш хусусида унга ҳеч нарса демагандим — билмайман.

Алҳол, бу йил уни “таклиф этишим” — мақсадга мувофиқ туюлди. Бироқ уни ўзининг Шарқ факультетидаги курсдошларим таниш-

олган китобни қўлтиғига қисиб, хиёбон бўйлаб жилди. Менгзиё ҳам дўстига ниманидир тайинлаб қизининг ортидан тушди. Менга бир қараб қўйишини кутгандим, йўқ, қарамади: унинг хаёли хонимида эдики, демак, кўзи ҳам унда эди.

Мен нима қилишимни билмай турган онимда, хайрият, Менгтурди каминани қўли билан имлади.

— Келинг, Шукуржон. Уй иссиқ... Исиниб оласизми ёки журналга борасизми? — деб қаршилади мени Менгтурди.

— Қанақа журналга? “Шарқ юлдузи”гами? — бирдан ҳаяжонланиб сўрадим.

— Йўқ, — деб инжиқди у. — Камол бор-ку, Мамбетов? Арвоҳ... Отангизни арвоҳи?

— Ҳа-ҳа, курсдошим.

— Ўша йигит ўзбекча шеърларини “Пионер” журнаliga оборган экан, бир сариқ киши сизни сўрабди.

— Носир ака.

— Ўша айтгандир сени? — деди.

— Ҳа.

У киши бир сония мийиғида қулимсираб турди-да, тортмасидан битта сариқкина китобчани чиқариб, менга узатди.

— Кўриб тур. Анави отлиқ бола-ни балки таниб қоларсан?

Китобча қўлимга тегмаёқ муқова тепасидаги ёзувни ўқиб улгурдим. Ва узатган қўлим титраганича уни олдим. “Вей, шундай бўлар экан-да, — деган ўй кечди кўнглимдан. — Ёзсанг... Асаринг маъқул бўлса, китоб қилиб чиқаришар экан-да. Ҳали бунинг учун қалам ҳақиям тўлашар... Э, бу Носир аканинг қўлида қайдан пайдо бўлди?”

— Носир ака, — деб шивирладим. — Қизик-ку?

— Ҳа? Хайрон бўлясанми? — деб дўқбўйинлик қилдилар атай. — Бизнинг ноширлар ҳам шунақа. Яхши асар бепўш-пўш ўтиб кетади... — Кейин олдидаги чойдан қўиб узатди. — Буни ичиб олинг,

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ

майди. Ҳатто Ойбек акамгаям ёқибди. Ойбек маҳорати бобида бир йирик мақола битаётган экан, Ойбек акам бироз танишиб чиқибдилар. “У олим “Қутлуғ қон”ни қайтадан ёзаяпти”, дедилар менга. Бир чеккадан таҳлил қилиб кетганда... О, матн билан ишлашнинг намунаси бу!

Домланинг бу узун гаплари давомида манглайи тиришиб-ўйланиб турган Носир ака:

— Яхши. Яхши олим-у, лекин жуда-а... қолипга солиб қўяди-да асарни, — дедилар. — Схемаси бор. Қандайдир... Бадиий асар схемага сиғадими, Тўхтасин ака?

— Шундоқликка шундоғ-у, — деди Тўхтасин Жалолов, — аммо ҳар қандай бадиий асарнинг, жумладан, оддийгина икки сатр шеърининг ҳам тағи-замирида илм ётиши керак, ўғлим. Хўш, шеърининг ўзига хос қонунлари ижроси

БУ КИШИМ — УСТОЗ, МЕН — ШОГИРД

монинг-да илдизларини билмоқ ёзувчиға фақат фойда келтирар экан, яъни қандайдир инсоний-ҳаётий қонуниятларни “кашф этишда” кўмакчи бўларкан: ҳа-ҳа, “муаммо ечилган-ку! деб кифояланиш етмас экан...”

Аммо домланинг кўчада айтган гаплари, яъни ҳақиқий Адабиёт учун курашда “баъзи бир нуқсонлар”га атайин панжа орасидан қараш лозимлиги ҳақидаги мулоҳазаларини истаб-истамай қабул қилган эканман.

Демак, келажакда “мен ҳам шундай қарай оламанми-йўқми” — бу ёғи ҳали номаълум, чунки Адабиётга, барибир, Севгига қарагандай қарашга содиқ қолган эканман.

Ниҳоят, кўнглим жойига тушиши биланок... Элмурод аканинг таклифлари яна ёдимга тушди ва шу сониянинг ўзида у кишининг курсдошлари жам бўлиб ўтирган хонага Қорбобо бўлиб кирганим ҳам кўз олдимга келди-ю, хаёлим олисларга — Бойсунтоғ арчазорларига учиб, гўёки ўша қорли-совуқ ўрмонларда кезиб юрган ҳақиқий Қорбобони кўра бошладим.

Гап шундаки, мен бир қаричлигимдан Қорбобонинг борлиғига, у қариянинг ўрмонда яшашига ишониб юрар эдим. О, ўша кезлар биронта ўртоғим ўша мўйсафиднинг ҳаётда бўлмаслиги ҳақида гапириб қолса борми, унинг ёқасидан олишим мумкин эди: ахир, “бор бобо”ни “йўқ” дейиш даҳшат-да!

Қизик, ўртадаги Арчаниям “мехмон” деб атардик. Ҳолбуки, ўзимиз — бир неча фаол ўқувчилару мактабимиз завҳози ила юк машинасида шахримиз шимолидаги тоғлар бағрига чиқиб, арчани болта

билишлари билан Университетнинг Хадрадаги биносида Янги йилни қаршилашни тусмоллаб қолароқ, тағин бу заминдан тезроқ йироқларга кетишни истай бошладим...

Бу хаёллар, мулоҳазалар бари ботиний бўлиб, паршонлигим замирида ётарди.

Зоҳирда эса, Менгзиё билан ёнма-ён кетмоқда эдик. Иккаламиз ҳам жим: гўё жим юришга битим тузгандекмиз.

Бироқ бирон мавзу ўртага тушсами — иккимизнинг ҳам шақиллаб кетишимиз турган гап эди.

Қарангки, мавзу эмас... қиз кўринди йироқда: дарвозамиз оғзида. Кўнғир пальто, оқ шарфда. Менгзиё уни дарҳол таниди-ю биллагимга ёпишгудек бўлиб:

— Тўхтанг, — деди. — Сайёра у... Мени кутаяпти. Ана, Менгтурдиям чиқди ичкаридан. Илтимос, Шукуржон, биз Сайёра билан ичкарига кириб кетсак, сизлар айланиб турарсиз... Хўпми, қадрдон? Мухим бир гапи бўлиши керак. Бўлмасам — келмасди. У жуда серёзний қиз.

— Хўп-хўп. Боринг, — дедим-у қаёқдан ҳам миямга келди шу ўй: “Носир аканинг олдида бораман! — Кейин миямдан бошқа фикрлар ҳам зувиллаб ўтди: — Янги йилни Бойсунда кутаман дейман. Балки “каклик обке”, дер...”

Менгзиё физиллаб кетди. У тоймас-сирпаниб кетмас, чунки совуқ ҳавода эриниб ёғаётган қор оёққа чипа-чиппа ёпишар эди. Ўзимни ариқ бўйидаги чинор панасига олиб, сигарет тутатдим. Менгзиё микти бўлиб илдамлаб кетарди. Кетди, борди, учрашди. Ва гаплашишди-ю, Сайёра Менгтурдининг қўлидан

— Исмини айтолмади. “Тезда етиб келсин. Гап бор, кейин хурсанд бўлади”, депти.

Мен унинг қўлини қисдим.

— Ишонасизми, бугун — ҳозир ҳам ўша одамнинг олдида бормоқчи бўлган эдим. Ўлай агар.

— Кўнғил сезади-да.

— Шу-шу.

**КИТОБИМ
ЧИҚДИ**

Носир Фозилов ўтирадиган хона эшигини очмасимдан бурун ичкаридан гуррос кулги эшитилди. Нимагадир “ўшалар бўлса керак”, деб ўйладим, ҳув бирда Абдуллажон билан келганимизда кўрганларимизни эслаб. Бу ўй ҳам “сезган кўнғил”нинг ифодаси бўлиб чиқди: эшикни очсам, нақ ўша “уч оғайни” ўтиришибди. Тағин ўша жойларида: Тўхтасин Жалолов ўнгда, Эркин Жабборов тўрда-бурчақда, Носир ака у кишидан берида.

— Э, ўзлари-ку! — деб юборди Носир ака мени кўриб. — Уже байрам қиворипти!

— Салом алайкум... Салом, домла. — Улар билан, домладан бошлаб кўришиб чиқдим ва курсига чўқдим.

— Омин, тинчлик бўлсин. Улуғ айём кунлари арафасида барча орзу-армонларимиз ижобат бўлсин! — деб фотиҳа ўқиди Тўхтасин Жалолов ва тўхтовсиз мен билан сўрашдилар: — Яхшимисан, болам? Кийим-бош ғоят ярашибди, буюрсин.

Сўнг Носир ака “Гамлет”да Арвоҳ ролини ўйнаётган Камол Мамбетовнинг келгани, ўзбекча шеърлариям “дуруст” чиққанини айтиб:

шоир. Сизлар ҳам кўк чой ичасизлар-а?

— Ҳа. Лекин бу ерда...

— Бу — цейлон чойи. Ўзиям пичок билан кесса бўладигани қолган экан. Дунёнинг тағига етасан.

— Носир ака, нахотки, бу...

— Нима, ишонмаяпсанми? Ана ўқиб кўр. Ўзингники. — Кейин хўрсиниб қўйди. — Мен сенинг ҳолатингни тушунаман. Ўзим ҳам жинни бўлаёзганман. “Ҳикоялар” тўпламим чиққанда... Сенга яхши тираж қўйишибди. Олтмиш минг-а? Яхши-я, Тўхтасин ака?

Ниҳоят, уларга қарадим. Уларнинг кўзлари менда, жилмайиб-кузатиб туришган экан.

— Хўш, бизга нима обкелдинг? Шу ёғидан гапир, болам, — деб қолдилар шунда Эркин Жабборов.

— Й-йўқ ҳеч нарса, ҳозир...

— “Шарқ юлдузи” даям повестинг чиқаётган эмиш. Хурсандман! Лекин, болаларга ёзишни унутмайсан... Биз сени кашф қилганмиз. Абдуллажонни ҳам!

— Қўшжонов билан жуда яқин экансизларми? — деб сўраб қолди Носир ака.

— Ҳа, домлам у киши... — Сўнг қолганини ҳам айтиб юбордим: — Афсуски, университетдан кетарканлар... — Тўхтасин Жалоловнинг туйқусдан бўйинларини яна-да чўзиб, савол назари-ла боқишлари боис яна давом этдим: — Илгари, ўзлариям айтар эдилар... факультетда айрим олимлар билан чиқиша олмасдилар.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйловдим, — деди Тўхтасин домла қаддини кўтариб. — У — мустақил фикрли одам! Унинг таҳлил усули ҳеч бир мунаққиднинг усулига ўхша-

хам ётади. Инчунин, бадиий асар — шунчаки ғойибона илҳом мева-си бўлиб туғилмайди... — Домла шунда бирдан қизишиб кетиб, давом этди: — Мирзо Бедилнинг бир ғазалидаги икки сатрни бир қанча билимдонлар таҳлил этишиб, тўқсон тўққиз маънога эга эканлигини баён қилишибди. Қарангки, уларнинг ҳар бири — ўзларича ҳақ экан! Баҳарҳол, шоирнинг ўзидан сўрашга жазм этиб мурожаат этишса, Бедил ҳазратлари айтибдиларки, “Бу сатрларнинг юзинчи маъноси-ям бор”, дебдилар. — Домла бир дақиқа роҳатланиб тургач, гўё хулоса қилди: — Шундан ҳам маълум бўладики, анчайин шеър ҳам чуқур ўйловлар, мулоҳазалар оқибатида дунёга келади. Инчунин, унинг тағида катта-дунёвий билим ётмоғи...

— Лексия учун раҳмат! Сизни аслида “Лексия бобо”, деб атасак тўғри бўларкан, — деди Носир ака. Ва Тўхтасин домла қимирлаб-силкиниб кулиб олгач, менга термулиб қолдилар-да, Носир Фозиловнинг дашноmidан рағбатланган каби:

— Бадиий асарда, Шукуржон ўғлим, энг муҳими — ана ўша Бедил домулло айтмиш — юзинчи маъносидир! — деди. — Шусиз асар умрбоқий асар бўлолмайди. Балким асар аслида ана ўша юзинчи маъноси учун ёзилар?

Мен бехос Эркин акага ўз ҳайратимни билдирмоқ истағидими кўз отган эдим, у киши:

— Кулоқ бер, болам. Санга фойдаси бор бу гапларнинг, — деди. — Домла ҳам ганимат.

(Давоми бор.)

**SILVA KAPUTIKYAN —
ARARAT KUYCHISI**

Hammaga yaxshi ma'lumki, Armaniston — Kavkazorti respublikalaridan biri. Tog'li mamlakat. Araks cho'qqisi, Ararat tizma tog'lari, Ararat vodiysi, uchirim va daralar, jilg'alar, qaynar buloqlar, Van ko'li va u yerda saqlanib qolgan qasr qoldiqlari, qadimiy boshkent Yerevanni kuylamagan arman shoiri yo'q hisobi.

Silva Kaputikyan ham shunday shoirlardan biri.

Silva Kaputikyan 1919 yilda Yerevanda tug'ilgan. 1941 yilda Yerevan davlat universitetining filologiya fakultetini bitirgan. Bolaligidan adabiyot to'garagiga qatnagan. Avetik Isaakyan, Ovanes Tumanyan, Ioan Ioannisian kabi armani klassik shoirlarining she'rlarini yoddan o'qib yurgan va ularga taqlidan ko'p she'rlar yozgan. O'tgan asrning 33-yilidan, ya'ni 14 yoshidan boshlab o'z she'rlarini matbuotda e'lon qila boshlagan. "Shu kunlarda" deb nomlangan birinchi she'riy to'plami Ikkinchi jahon urushi tugagan yili, ya'ni 1945 yilda bosilib chiqqan edi.

O'shandan buyon shoiraning o'nlaricha she'riy va nasriy kitoblari bosilib chiqdi. "Zangi bo' yida", "Bu — mening mamlakatim", "Qon-qarindoshlarim", "Oq yo'l", "Ochiq suhbat", "Qizil toshlar", "Yo'l o'rtasidagi o'ylar", "Sadoqat" kabi kitoblar shular jumlasidandir. "Qon-qarindoshlarim" nomli kitobi Davlat mukofoti olishga muvaffaq bo'lgan. Armaniston xalq shoiri unvoni bilan taqdirlangan shoir ijodiyoti fikrlarga va hissiyotlarga boy. Tasvirlangan tuyg'ulari samimiy va teran. O'quvchi qalbiga tez yetib boradi. Shaxsiy quvonch va hasratlari butun Armaniston hayoti bilan chambarchas bog'lanib ketadi. Bunga misol tariqasida uning bir she'ri tanishing:


ARARAT VODIYSI

"Armaniston!" desalar, tog'larimni eslayman,
Mangu qorli cho'qqilar, toshlarimni eslayman.
Ko'z o'ngimdan o'tadi rangin-rangin ro'yolar,
Toshlarni dumalatib oqayotgan daryolar.

Sen esa o'yga botib, termilarding zaminga,
Sukut ichra pichirlab nelardir derding menga.
"Armaniston!" desalar, kelasan ko'z oldimga,
Yoshlikdagi o'rtog'im, sen tushasan yodimga.

Bosib yotsa ham seni qora toshlar uyumi,
Otilib tikka turding naq tog'larning quyuni...
Ararat vodiysining yerlari ana shunday:
Mehnatning tagi rohat — yakun yarqirar kunday.

Bu vodiylar bog'larida xushbo'y gullar, o'tloqlar,
Pichirlaydi boshloqlar, shitirlaydi yaproqlar.
Qo'shiqqa nafas berar, toshlarni qilar gapdon,
Saxovatli yeringga, tuprog'ingga berar jon!



Men ham sening tokingday shu vodiyning yeriga
Ildiz otib yoyilib kirganman-ku, qa'riga!
Yuragimda yurtimning o'tlari yonar faqat,
Yuragimda yotibdi cho'mib ko'hna Ararat.

Asotir qahramoni Vagn qamish ichidan
Yonib chiqqan chog'ida o'sha qamish uchidan
Yerga tutun yog'ganday, zavodlar tarar tutun,
Yerevan hamon tetik, boshkentimiz bus-butun.

Sen — qadimiy ko'zasan, qadimshunoslar topgan,
Sen — ko'cha favvorasi, mohir ustalar yopgan.
Zvartnots tumanining yo'sin bosgan toshisan,
O'ymakor tosh haykalning chimirilgan qoshisan.

Men qaerdaki yurmay — uzoqdami, yaqinda,
Quyosh porlagan yerda, yo yomg'irda, chaqinda —
Hayotga, kuchga to'la saxovatli tuprog'ing
Men bilan birga yurar, ko'zlarimda — bo'yog'ing.

Shuning uchun ham doim, ey vodiylar, onajonim,
Yerda mahkam turaman, pishiqdir ustixonim...
Ajodlarim nutqisan, o'g'limning nafasisan,
Ey she'rim — uyim mening, sen — mangulik sasisan!
Silva Kaputikyan asosan kattalar shoiri bo'lsa ham,
bolalar uchun maxsus she'rlar yozishni o'ziga begona
bilmadi, aksincha, bu ishni o'zining vatandoshlik burchi
deb bildi. U o'rta va katta yoshdagi bolalarga ham,
bog'cha yoshidagi eng kichik bolalarga ham ko'p she'rlar
yozdi.

O'rta va katta yoshdagi bolalarga yozgan she'rlarida
hozirning o'zidayoq o'quvchi e'tiborini muhim ma'naviy
burchlarga qaratadi.

Mana, uning shunday she'rlaridan biri:

**OBIDA — BULOQLAR
HAQIDA QO'SHIQ**

1

Begona o'lkada, yot bir tuproqda
Yo'qoldi bedarak, qabri noma'lum.
Keltirishsa egnin, ona bu yoqda
Qonini yuwardi, yig'larkan yum-yum.

Biroq bir yam-yashil yong'oq tagida
Qishloqda turibdi obida-buloq.
Bunday buloq qurish tog' etagida
Bizda odat bo'ldi urushdan so'ngroq.

Onalar kelishar sahardan boshlab
O'g'illarga aza tutmoqlik uchun.
Oqayotgan suvga qotilar yoshlar
Go'yo tosh yarasin yuvmoqlik uchun.

Shu tarzda uchrashar bu yerda har kun
Bir-birin yupatib ona va o'g'il.
Suv oqar. Kun o'tar, tun ketidan tun,
Og'ir musibatni sal etib yengil.

2

Kunlar va tunlar yangi,
Tinmas buloq jarangi.
Yer haydab, chanqar dehqon,
Suv ichib, saqlaydi jon.
Tog' qizi suvga kelar,
Bir o'g'longa tikilar.
Bolalar kunda-shunda
Goho chopishar duv-duv.
Goho yotishar qumda,
Bir-biriga sepgach suv.
Suv oqar jildir-jildir,
Bu — hayot oqimidir.
Shahidlar yodi ham — bu...
Hayot singari mangu.

3

Nopok bo'lsa agar vijdoning, joning,
Bu hayotda qing'ir bo'lsa imoning,
Agar chiqishmasang adolat bilan,
Kun ko'rsang xalqingga xiyonat bilan,
Halol mehnat bilan botmasang terga,
To'kmasang otangdan qolgan bu yerga,
Jangchilar qoniga qo'shilmasa u,
Buloqqa yo'lama, undan ichma suv!
Endi o'quvchilar e'tiborini shoiraning eng kichik
yoshdagi bolalarga yozgan quyidagi she'rlariga qaratamiz.

Silva KAPUTIKYAN

ATAK-CHECHAK

Atak-chechak
Yura qol.
Yerni to'p-to'p
Ura qol.
Qo'lni uzat.
Qo'rqma, yur.
To'pillatib
Yerni ur.

Atak-chechak,
Yura qol.
Yerni to'p-to'p
Ura qol,
Qo'lim tutmay
Yurib ko'r.
Bir!
Ikki!
Mana, zo'r!

SHO'LP-SHO'LP

Kim kelyapti lo'k-lo'k
Cho'milgani sho'lp-sho'lp?
Vannani shalpillatar,
Oyog'in qilpillatar?
Qo'lda sovun, kiruyug'ich,
Ishga tushdi g'irch-g'irch.
Ko'pik sachrar har yoqqa,
Kir ketdiykin qayoqqa?

**QANCHA BOTINKA
KERAK?**

Sedada nechta oyoq,
qani aytar kim?

Bir, ikki-ikkita.
Sedaga shunda
nechta botinka lozim?
Bir, ikki-ikkita.
Seda yo'lga chiqar bugun,
Ammo to'p-to'p yurmoq uchun
Bir xil, yangi, qizil burun,
Iplari oppoq-oppoq
Botinka olish kerak.
Kiyintirib,
Yasantirib,
So'ng yo'lga solish kerak.

Yugurib keldi kuchuk,
Sovqotib qopti sho'rlik.
Yayov keldi biroq
U yalangoyoq.
Ko'chalar qotgan tarrak,
Uylar yoni — yaxmalak.
Choping-chi yalangoyoq,
Tutadi titroq.

Kuchukda nechta oyoq,
qani aytar kim?
Bir, ikki, uch, to'rt-to'rtta.
Demak, unga bir,
ikki, uch, to'rt —
To'rtta botinka lozim.

Seda turib azondan
Dadasiga, do'kondan
To'rt botinka opkeling,
deya buyurdi;
To'rt g'ilofga sopkeling,
deya buyurdi.
To'p-to'p qilib,
Sakrab-sakrab
Yo'lga chiqishi uchun,
Hammasidan ham burun

Yap-yangi, qizil burun
Botinka kerak unga
Bunaqa sovuq kunga.
Iplari oppoq-oppoq
Bo'lsa yaxshiroq...

MENI HAM...

Seda, yig'lama, ovun,
Oying qo'lida sovun
Seni oppoq qiladi...

Sedaning og'zi dedi:
— Oyiginam,
Meni ham mayli,
ishqalang qattiq,
Qolmasin tuxum, qattiq!

Burni der: — Oyiginam,
Meni ham, meni ham!
Axir kechadan buyoq
Bo'lib ketdim-ku qasmoq!
Yuzi der: — Oyiginam,
Meni ham, meni ham!
Boya o'ynagandim loy,
Isqirtirman, hoynahoy?

Ko'zlari g'amgin edi,
Oldin hech indamadi.
So'ng dedi: — Oyiginam,
Yuving-da bizlarni ham...

Oyisi sevib qizin
Yaxshilab yuvdi yuzin.
Endi og'zi ham toza,
Endi burni ham toza,
Ko'zlari yaraqldi,
Ikki yuzi ham toza.
Seda maza qiladi,
Qiqir-qiqir kuladi.

BIZNI AYANG-DA, AXIR!

Sedaning oyoqlari,
Ikkala do'mboqlari
Bir-biridan chiroyli
Sadafday tirmoqlar

Seda, ularga loqayd,
Ko'pdir yara-chaqasi.
O'zingiz o'yab ko'ring —
Axir, bu qanaqasi?
Tufllisining ipi yo'q,
Tushib qolipti paypoq.
So'qmoqqa koptok otib
Yugurar yalangoyoq!

Oyoqlari zorlanar:
— Cho'p ko'p so'qmoq-yalangda,
Botib qizarib ketdik.
Axir, bizni ayang-da!

YO'L BO'LSIN?

Sedaga nima bo'ldi?
Bugun ertaroq turdi.
Xarxasha qilmay choyin
Ichdi, bo'lib muloyim.
Oyisining tufllisini kiydi-yu,
Dadasining portfelini oldi u.
Buvisining shol ro'molin o'radi,
So'ng: — Xayr, — deb
hammamizga qaradi.
Apil-tapil chiqib ketdi eshikka.
— Hoy, qayoqqa, qayoqqa?
— Ishga!

Ruschadan
Miraziz A'ZAM tarjimasi.

КАСАБА УЮШМАСИ:

Бугун у қандай ишлар билан банд?

Давлат ва жамоат муассасаларидаги узлуксиз меҳнат ҳар қандай соҳа кишисини толиқтиради. Айниқса, таълим соҳасида ишлаётган кадрларнинг меҳнатини энгил деб бўлмайди. Улар ақлий меҳнат кишиларидир. Ўз ақлий салоҳиятидан муттасил фойдаланган кишининг дам олиши ҳам тўғри ташкил этилиши керак. Ўқитувчининг меҳнат таътили асосан ёз ойларига тўғри келади. Педагог-ҳодимларнинг дам олиш тартиби тўғри йўлга қўйилган даргоҳда эса иш унуми ортинга тайин. Олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ҳодимлар ҳам ҳозирда ўз таътил кунларини ўтказишмоқда. Тошкент давлат техника университетида профессор-ўқитувчиларнинг меҳнат таътиллари мобайнида соғлиқларини мустақамлашлари учун ҳар йили муайян ишлар амалга оширилади. Бунда университет касба уюшмасининг ўзига хос ўрни бор. Зеро, уюшма гарданига айнан шу вазифалар юкланади. Ёзги таътил кўнгиладигдек ўтказишлари учун педагог кадрларга санаторий, санаторий-профилакторий ва

оромгоҳларга йўлланмалар тарқатиш ҳам бевосита уюшма фаолиятини белгилайди.

— Ўқитувчиларимизни турли санаторий ва дам олиш масканларига йўлланма асосида юбораяпмиз. Йил давомида ўтказиладиган турли тадбир ва байрамлар муносабати билан оммавий саёҳатлар ҳам ташкил қилинади, — дейди университет касба уюшмаси раиси Тоҳир Ризаев.

Профессор-ўқитувчи ва мураббийларнинг аксарияти Чимёнга, "Нурафшон" санаторийсига юборилмоқда. Университет ўқитувчиларининг фарзандлари ҳам ёзги мавсумда эътиборсиз қолдирилмайди. Улар пойтахтимизнинг Хувайдо маҳалласида жойлашган университет тасарруфидаги "Лочин" дам олиш санаторийи ҳамда тоғли худудлардаги оромгоҳларда янги ўқув йили учун куч-

қувват тўплаб қайтишади. Жорий йилда бу турдаги дам олиш масканларига 100 дан ортиқ оилавий дам олувчилар юборилди. Шунингдек, йил мобайнида вақти-вақти билан профессор-ўқитувчиларга, кекса педагогларга мўлжалланган турли санаторий-профилакторийларга йўлланмалар берилади. Ҳодимларнинг соғлиқларини доимий назоратда сақлаш мақсадида университет қошида даволаш ва соғломлаштириш гуруҳи ҳамда санаторий ташкил қилинган. Бу ерда янги ўқув йилининг октябр ойидан то майга қадар ўқитувчилар ҳам, талабалар ҳам имтиёзли йўлланма билан таъминланиб, дам олишлари мумкин.

Ёзги таътил бошланганига қарамадан олий ўқув юрларида иш тугамайди, янги ўқув йилига тайёрлик кетади. Ўқитувчиларнинг кўпчилиги дам

олиш масканларига боришни ўйламайдилар ҳам. Ҳозирги кунда университетда 2500 нафар профессор-ўқитувчилар ва ишчи-ҳодимлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг ҳаммасини йўлланмалар билан тўлиқ таъминлашга имконият ҳам етарли эмас. Бундай муаммони бартараф этиш мақсадида тез-тез оммавий саёҳатлар уюштирилиб турилади. Жумладан, шу ўқув йилида ўқитувчилар ва фаол талабалар биргаликда дам олиш ва тажриба алмашиш мақсадида Бухоро шаҳрига ҳамда "Кумушкон" санаторийсига бориб қайтишди. Қадим Бухоро шаҳрида меъморий обидалар ва уларнинг тарихини ўрганиб, азиз жойларни зиёрат қилишди. "Кумушкон" сафарига эса йил давомида ўзлаштирган назарий билимларини амалиётда синая кўрдилар.

— Баъзилар хорижий давлат-

лардаги оромгоҳларни мақташади. Ўзимиздаги дам олиш масканлари ҳам уларникидан асло кам эмас. Тоғли худудлардаги табиий гўзалликлар кишининг кўнглини кўтаради. Қисқа муддатли бўлса-да, бундай сафарлар хотирамизда узок вақт сақланади, айти пайтда ишимизда унум, барака бўлишига замин яратади, — дейди кутубхона директори Файзинисо Отахонова.

Шунингдек, университет касба уюшмаси ҳодимларнинг кўнгиладигдек дам олишларини таъминлаш мақсадида ўз ҳомийларига муурожаат қилиб туришади. Улар ҳам имконлари доирасида университет жамоасининг ҳамда бўлғуси мутахассисларнинг дам олишларини ташкил қилишга кўмаклашади. Жорий йилда "Ўзбекэнергия" давлат акциядорлик компанияси томонидан турли дам олиш ва даволаниш масканларига 30 дан ортиқ йўлланмаларга мabлаг ажратилди. Август ойида дам олувчилар ана шу йўлланмаларни олишиб, ўз саломатликларини тиклашга киришадилар.

Азиз НОРКУЛОВ,
"Ma'rifat" муҳбири

Она табиатнинг сержило қиёфасисиз олами тасаввур қилиш қийин. Она заминимизнинг бутун инсониятга ато этаётган барча егулик неъматлари қанчалик кадрли эканлигини яхши тушунамиз. Зеро, бутун борлигимиз, ўтмиш ва келажгимиз, турмуш тарзимиз, маданиятимиз она туфроғимизга бўлган муносабатга боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, шўролар даврида ерга нисбатан ортиқча нотўғри ҳаракатлар туфайли унга бўлган муносабат ўзгариб, наботат оламидаги мувозанат бузилиб, бўз ерлар камайиб кетган эди. Ўша даврда деҳқончиликнинг услублари бузилиб, куздан баҳоргача ерлар экинсиз, яъни либоссиз қолдирилганлиги Республикаимиз иқтисодиётига ҳамда ернинг ҳайдов қатламидаги фойдали жониворларнинг қирилиб кетишига салбий таъсир кўрсатди.


Маълумки, турли кимёвий минерал ўғитларнинг асоссиз кўп қўлланиши туپроқ таркибидagi чиринди моддаларини 40-50 фоизга камайтириб, гумус миқдорининг пасайишига олиб келади. Дарҳақиқат, мустақилликдан сўнг ер ўз эгаси қўлига ўтганлиги, алмашлаб экишга нисбатан деҳқонларимизнинг тўғри йўл тутганлиги, серҳосил пахта, галла навларидан ҳамда куз ва баҳор олдидан экиладиган янги экин навларидан етарлича фойдаланганимиз туфайли республикамиз галла мустақиллигига эришди.

Бизнинг Самарқанд Агроиктисодиёт коллежимизда ҳам "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича бугунги кунда 10 та йўналиш бўйича мутахассис кадрлар тайёрланмоқда. Таълим муассасасиз битирувчиларнинг асосий вазифаси бебаҳо бойлигимиз — она заминимиз туфроғини турли русумдаги қишлоқ хўжалик техникалари ёрдамида ишлов бериб, уни яшил либосга безаш ҳамда ноҳуш муҳит ва мувозанатнинг олдини олиб, туپроқдаги биологик жараённинг доимий барқарорлигини сақлашдан иборат деб белгиланган. Коллежимиз замонавий ўқув базасига эга бўлиб, 1200 ўқувчига мўлжалланган. Умумий ер майдони 18 гектарни ташкил этиб, 4 қаватли ўқув биноси таркибда 63 та ўқув хоналари ҳамда фан кабинетлари, лаборатория, кутубхона, ўқиш хонаси, маънавият ва маърифат хонаси, фаоллар зали, музей ўрин олган. 200 ўринли ётоқхонада ўқувчилар учун барча қулайликлар яратилган бўлиб, маънавият бурчаги, маиший хизмат хонаси, гигиена хонаси, кичик кутубхона, душхона, сартарошхона ёшларнинг доимий ихтиёрида.

Бундан ташқари, 17 та лаборатория, 9 та устахоналар замонавий дастгоҳлар, қишлоқ хўжалик машиналарининг турли механизмлари ва бошқа кўргазмалар куруллар диаграммалар билан жиҳозланган. Бу ерда 83 нафар педагог ва муҳандис-педагоглар кундузги ҳамда сиртки бўлимларда тахсил олаётган 1889 нафар ўқувчига дарс беради.

Серқирра ўқув жараёнини ва унинг сифатини такомиллаштириш борасида ўқувчиларга оддийликдан мураккабликка қараб назарий ва амалий билимлар бериб борилади. Таълим жараёнининг мазмунини ошириш мақсадида педагог ва муҳандис-педагогларимизнинг турмуш тарзи, уларнинг шайроитини яхшилаш, малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Бунда

ўқитувчиларнинг қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва туپроқшунослик, агрохимия, пахтачилик фанлари бўйича билим ва малакаларини ошириш асосий мақсад қилиб қўйилган. Бундан ташқари, асосий эътибор фан-техниканинг сўнгги ютуқларидан унумли фойдаланишга ҳам қаратилган. Бунинг самараси ўларок, тажриба ва янгиликларни ҳаётга жорий этиш, экинларни озиклантириш, сув сарфини муттасил тежаш бўйича ўқитувчиларимиз томонидан қатор дастур ва қўлланмалар, маъруза матнлари яратилиб ўқув жараёнида фойдаланилмоқда. Шунингдек, айтаётган бўлсам, педагогларга ўқитишнинг барча фанлар бўйича мавжуд дастурларидан ташқари ўқув амалиёт лабораториялари базаларини жиҳозлаш, ўқитиш шакллари, услубият, ўқув



шининг асосий сабабларидан яна бири бозор муносабатларининг фаол ривожланиб ҳаётимизга кириб бораётганлигидир. Коллежимизни тугатган ўқувчиларнинг барчаси иқтидорли, тил биладиган, компьютерни яхши ўзлаштирган ёшларни ташкил этмоқда. Қабул жараёнида ўқувчининг у ёки бу иқтисосликни тасодифан танламаслиги учун касбга йўналтириш бўйича туман мактаблараро "Очиг эшиклар куни" ўтказилади. Жамиятимизнинг келажига бўлган ёшларни замон талабига жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган, хорижий ҳамкасблар билан бемалол беллаша оладиган мутахассислар бўлиб етиштиришга кенг йўл очиб берилган.

Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимига мала-

Kollejlar hayotidan

дан коллежимизга 1 та ТТЗ-80 трактори, 1 та "Отайўл" юк автомобили берилди ҳамда пахтачилик бўйича махсус лабораториямиз янги ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Польша давлати кредити ҳисобидан коллеж қошида 1 та мева-сабзавотларни қайта ишлаш, ҳамда қуриштиш ва қадоқлаш, турли шарбатларни ишлаб чиқариш мини заводи, ҳамда 1 та сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва қадоқлаш мини заводларининг қурилиши мўлжалланмоқда. Бу борада коллежимиз жамоаси муайян тажрибаларга эга бўлиш учун вилоят худудидаги чет эл қўшма корхоналари билан ҳамкорлик ишларини олиб бормоқда. Таълим мазмунини зарур ва етарли ҳажмда ташкил этиш талабларидан келиб чиқиб рус тили, инглиз тилини ўрганиш, биология, она тили ва адабиёт, математика фан кабинетлари ўқувчиларнинг замонавий билим олишлари ҳамда турли кўрик-танлов ва фан олимпиадаларида фаол иштирок этишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда ўқувчиларимиз орасида кўплаб иқтидорли спортчи-ёшлар ҳам етишиб чиқмоқда. 2004 йилда "Баркамол авлод" спорт мусобақасининг вилоят босқичи голиби Зокир Аҳмедов 400 метрга югуриш бўйича 1-ўринни олганлигини алоҳида қайд қилиш лозим. Бундан ташқари, ҳуқуқшунослик фани бўйича вилоят олимпиадаси голиби Бекжон Бекбоевнинг қўлга киритган ютуқларини эътироф этиш ўринлидир.

Ўқув масканимизда маънавий-маърифий ва тарбиявий соҳалар бўйича кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида коллежда 23 та тўғарақ фаолият кўрсатмоқда. Бу тўғарақларнинг 9 таси фан тўғарақлари, 7 таси касбий фан тўғарақлари ва 7 таси спорт тўғарақларидир. Уларга 450 нафар ўқувчи жалб қилинган.

Ўқув юртида "Ёшларни ёмон иллатлардан асрайлик", "XXI аср фожиаси", "Диний экстремизм ва фундаментализм", "Гиёҳвандлик зарари" мавзуларида очик тарбиявий соатлар, давра суҳбатлари, кечалар ташкил этилмоқда. Ушбу тарбиявий соатларда маҳалла оқсоқоллари, ота-оналар, ички ишлар, прокуратура ҳодимлари ҳамда "Қамолот" ЁИХ кенгаши вакилларининг жонли чиқишлари ўқувчиларда яхши таассурот уйғотмоқда. Бундай ҳамкорликнинг натижаси ўларок, 2003-2004 ўқув йили давомида коллеж ўқувчилари орасида биронта жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолати қайд этилмади.

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар миллат раънақи учун хизмат қилади. Бу эса халқимиз турмуш тарзининг барқарорлигини таъминлаб, бебаҳо она туپроқни авайлаб-асраб авлоддан-авлодга қай даражада мерос қилиб қолдиришимизга боғлиқ.

С.ОСТОНОВ,
коллеж раҳбари

ҲАМКОРЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП



режаси ҳажми, ўқитишнинг давомийлиги ва бошқа соҳалар бўйича уларга муайян услубий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари ўқитувчиларнинг малакасини ошириш бўйича турлича шакллари назарий ва касбий фанлар ҳамда лаборатория ишлари бўйича материаллар йиғиш, мақола, диссертация устида иш олиб бориш каби ёрдамлар ҳам берилиб борилади. Айниқса, фанларнинг замонавий ҳолат даражасига қараб ўқувчининг билим савиясини белгилаш психологик томондан нозик ва мураккаб масалалардан биридир. Бугунги кунда ўқув режасининг талабига асосан туманлар кесимида қайси мутахассисликдан қанча кераклигини аниқ белгилаб олганлигимиз ўқувчиларимизнинг билим олишга бўлган иштиёқини оширишмоқда.

Сирасини айтганда, ўқувчиларнинг касбий фанлар бўйича билим олишга қизиқи-

кали мутахассис кадрлар тайёрлашда астойдил меҳнат қилаётган физика фани ўқитувчиси Обид Маърупов, шахс ва жамият фани ўқитувчиси Аҳмаджон Аслонов, автомобил тузиш фани ўқитувчиси Фарид Темиргалиев, автомобилларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш фани ўқитувчиси Эгамберди Пўлатов, иқтисод фани ўқитувчиси

Олимжон Қулматовларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. 2003 йилда интернет-ринг телекўрсатуви бўйича қатнашган ўқитувчилардан Олим Қулматов, Суннат Чилгашев, Ёдгорхон Тўрахоновлар бугунги кунда ҳам фахримиз ҳисобланади.

Таълим мазмунини ошириш бўйича назарий ва амалий билимларини мустақамлаш мақсадида ҳам ўқувчилар ўртасида самарали ишлар олиб борилмоқда. Коллеж худудида фаолият кўрсатаётган тажриба участкасида пахта, картошка, бугдойнинг юмшоқ ва қаттиқ навлари, лалми нўхат ҳамда нок, эрта пишар олма, ўрик, хурмо, лимон, олча, жийда, тут каби дарахт кўчатлари ўқувчилар томонидан экилиб, парварishi қилинади. 2003-2004 ўқув йилида Республика ўрта махсус, касб-хуна таълими Маркази томони-

**АР-РИЁДА ИРОҚ
МАСАЛАСИ**

АҚШ Давлат Котиби Колин Пауэл Ар-Риёда Ироқ бош вазири Ияд Алавий билан Саудия Арабистонининг Ироққа ҳарбийларини жўнатиш борасидаги таклифини муҳокама қилди. Муҳокама якунланганга: «Бу Саудия Арабистони томонидан таклиф қилинган дастлабки ғоялардир. Биз бу таклифларни Ироқ бош вазири ва БМТ Бош котиби Кофи Аннан билан муҳокама қилдик. Саудия Арабистони ташаббусидан мамнунмиз ва яқин кунларда бу таклифни батафсил муҳокама этамиз», - деди Колин Пауэлл.



**«ЧЕГАРА БИЛМАС ШИФОКОРЛАР»
АФҒОНИСТОННИ ТАРК ЭТМОҚДА**

Ҳамид Карзай «Чегара билмас шифокорлар» халқаро ташкилоти мамлакатда ўз фаолиятини тўхтатаётганидан афсусда эканлигини билдирди. Бу ташкилот Афғонистонда 24 йилдан бери фаолият олиб бораётган эди. Ҳамид Карзай «Чегара билмас шифокорлар» ташкилотининг Афғонистондаги беш вакилини ўлдирган шахслар топилгани ва жазоланиши учун ҳукумат қўлидан келган барча чораларни кўради, деб ишонтирмоқда.

Ўз навбатида АҚШ расмийлари ташкилотнинг «Иттифоқчи кучлар Афғонистонга берилган инсонпарварлик ёрдамларини тарқатишда сиёсий ва ҳарбий мақсадлардан фойдаланмоқда», деган айбловини рад этди.

ЯНА ПОРТЛАШ

Ҳазо минтақасида автомобил портлаши натижасида Фаластин қуроли гуруҳининг икки фаоли ҳалок бўлди. Портлаш қандай содир бўлгани ҳозирча аниқ эмас. Баъзи хабарларга кўра, Исроил ҳарбийлари автомашинага қарата ракета отганлар. Бошқа хабарларда, эса автомобилда олиб кетилаётган портловчи мослама портлаб кетганлиги айтилмоқда.



«ЮКОС»: СУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Москва шаҳар суди «ЮКОС» ширкати хавфсизлик хизмати бошлиғи Алексей Пичугинни қамокдан озод қилиш тўғрисидаги илтимосни рад этди. Ҳозирда Алексей Пичугин икки кишига суиқасд қилганликда айбланмоқда. Лекин айбланувчи бу даъвони умуман рад этмоқда. Пичугиннинг адвокатлари терговчилар ундан ўзлари учун керакли кўрсатмаларни олиш учун, руҳиятга таъсир қилувчи дориларни қўллаганликларини билдирмоқдалар.

Шерзод АХМАТОВ ва
Дилноза ҒУЛОМОВА
Интернет хабарлари асосида
тайёрлади.

**Таълим муассасалари ва
бошқа мутасадди
ташкилот ва корхоналар
учун маълумот**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июль 341-рақамли «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорининг 4-бандига асосан Олий ва ўрта махсус таълимда муаммолари институти Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб хунар таълимини ривожлантириш Марказига айлантирилди.

МУСОБАҚАЛАР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

«Умумармия ўйинлари-2004» ҳарбий-спорт мусобақаси қизгин паллага кирди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида ўтказилаётган тош кўтариш беллашувларида Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти курсанти О.Муқимов, Тошкент ҳарбий округи вакили, сержант В.Коробков ўз вазн тоифаларида голиб чиқди.

Офицерлар учкураши ўтказилаётган Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида спортчилар тўппончадан отиш, сузиш ва 1000, 2000 ҳамда 3000 метр масофага югуриш бўйича беллашди.

Бунда ҳарбийлар вазн тоифаси ва ёшига қараб уч гуруҳга бўлинган. Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондон-муҳандислик билим юрти капитани У.Тимофеев, Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти вакили, капитан Ж.Шокиров ҳамда Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти подполковниги С.Эргашев ўз гуруҳида голиб

бўлди. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли Марказий ҳарбий спорт клубида тош кўтариш баҳсларининг навбатдаги голиблари ҳам аниқланди.

Чирчиқ олий танк кўмондон-

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юртида офицерлар учкураши бўйича давом этаётган беллашувларда майдон эгаларидан, капитан Ж.Шокиров ва танкчи, под-

дислик билим юрти майори А.Сайдуллаевга насиб этди.

«Умумармия ўйинлари-2004» нинг асосий учрашувлари ўтказилаётган Марказий ҳарбий спорт клубида кўл жанги баҳсларининг навбатдаги голиблари ҳам маълум бўлди.

Айни пайтда бу ерда миллий кураш бўйича беллашувлар ҳам давом этмоқда. Унда ўн уч жамоадан юз нафарга яқин полвон етти вазн тоифасида гилламага чиқади. Голиблар эса бугун аниқланади.

«Умумармия ўйинлари-2004» мусобақаларининг якунланишига икки кун қолди.

«Umumarmiya o'yinlari-2004»

муҳандислик билим юрти курсанти Ф.Темиров ҳамда Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти ўқитувчиси, лейтенант О.Имомов вазн тоифалари бўйича биринчи ўринни олишди.

Чирчиқ олий танк кўмондон-муҳандислик билим юрти полигонидан ўтказилаётган енгил атлетика кроссида ҳарбийлар уч қақирим масофага югуриш бўйича куч синашди. Унда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондон-муҳандислик билим юрти жамосига насиб этди. Танкчилар иккинчи, Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисм вакиллари учинчи ўринни эгаллади.

полковник С.Эргашев биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўрин Шарқий ҳарбий округ лейтенанти Б.Носиров ҳамда Самарқанд олий ҳарбий автомобиль кўмондон-муҳан-

АФРИКАДА ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

Африкада жойлашган Маврикия давлатининг Порт-Луис шаҳрида ёшлар ўртасида ўзбек кураши бўйича қитъа чемпионатида ўндан ортиқ давлатдан келган полвонлар гилламага чиқди.

Баҳсларда Жанубий Африка Республикаси полвонлари - Ансел Лупке, Шанделле Ломбард, Давие Безуиденхоут ҳамда Аннерие Бассон ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Маврикиялик Луис Рафаэл, Анди Лавизелле, Жан Луис ва мадагаскарлик Тахина Ракотонда ҳам шохсупанинг юқори поғонасидан жой олди.

Futbol

Футбол қанчалик жозибадор бўлмасин, барча учун натижа муҳим. Куни кеча «Хитой — 2004»даги чорак финалнинг дастлабки учрашувини кузатган футболсевар мухлислар кўнглидан шу ўй кечгани аниқ. Гуруҳ баҳсларида иккита араб терма жамоаси билан кечган ўйинларда ҳарбий осиеликлар нисбатан мазмунли ўйин кўрсатган, лекин алаоқибот Ўзбекистон терма жамоаси ютуққа эришганди. Мам-

«ХИТОЙ — 2004» БИЗ УЧУН ТУГАДИ

«Германия — 2006» сари ҳаракат эса давом этади

лакатимиз терма жамоаси Осиё кубоги баҳсларида кўп жиҳатдан «биринчи» бўлишди. Яъни, ўн олти терма жамоа ичида биринчи бўлиб чорак финалга йўл олди. Шунча жамоа орасида гуруҳ ўйинларида юз фоизлик натижага эришган ягона терма жамоа бўлди. Қолаверса, терма жамоамиз сардори Миржалол Қосимов мусобақа ташкилотчилари томонидан гуруҳ баҳсларидаги энг яхши футболчи деб топилди. Ва... ниҳоят Ўзбекистон терма жамоаси биринчи бўлиб (!) чорак финалда юришини тўхтатишга мажбур бўлишди. Бунга эса яна бир араб жамоаси — Баҳрайн давлати футболчилари йўл қўйишмади. Ўйинни шарҳламоқчи эмасмиз, чунки уни бутун мамлакат аҳолиси бевосита кузатди. Фақат бир нарсани айтиш жоиз: пенальтидан тўп киритолмаган Марат Бикмаевда шижоат бўлса-да, совуққонлик етишмади. Леонид Кошелевники эса... Нима ҳам дердик, асосий мақсадимиз чорак финалга чиқиш эди — чиқдик. У ёғи эса... кейинги чемпионатга қолди...

Ўзбекистон терма жамоасининг эса, энди «Германия — 2006» йўлидаги ҳаракатларини муваффақиятли давом эттиришига ишониб қоламиз.

Барчамизнинг ниятимиз холис бўлсин!

Шерали НИШОНОВ

**КУЁШЛИ АНСАМБЛЬ
ГОЛЛАНДИЯГА
НҲР СОЧДИ**

Голландиянинг Брунсум шаҳрида ЮНЕСКОнинг фольклор ва халқ санъати халқаро кенгаши шафёлигида ташкил этилган анъанавий «Брунсум намойиши» халқаро фольклор фестивали бўлиб ўтди.

Бу йилги фестивалда илк маротаба Муборак Мирзаева раҳбарлигидаги Тошкентнинг «Ассалом куёш» рақс жамоаси иштирок этди. Сўнгги йилларда ушбу жамоа санъат устасининг талари дунтурли китъа халқаро фольклор ва рақс фестивалларида муваффақиятли қатнашиб келмоқдалар.

Дунёнинг 25 фольклор гуруҳлари орасида «Ассалом куёш» жамоаси мутахассислар ва мухлислар эътиборини жалб этди. Санъаткорларимиз ижросидаги миллий рақслар залга йиғилган барча томошабинларга манзур бўлди. Брунсум мэри Клеменс Брокеннинг эътирофига кўра, фестивалда ўзбекистонликларнинг иштирок этиши қутилмаган совға бўлди.

«Хатто фестиваль ташкилотчилари ўзбек санъаткорларининг бунчалик ёрқин тақдимотини кутмаган эдилар. Бу йил юртимизда булут ва ёғингарчилик кўп бўлди, бироқ «Ассалом куёш» бами-соли Голландияга куёш нурини олиб келди», дейди фестиваль директори Тео Оферманс.

Ж.МУТАЛОВ
«Жаҳон» АА. Брюссель

Festival

СУДАН: ВАЗИЯТ ЁМОНЛАШМОҚДА

Шу кунларда Суданда нотинчлик кучайган. Дарфур вилоятида қуроли тўқнашувлар авж олмоқда. Натижада сиёсий ва иқтисодий барқарорлик бутунлай издан чиқмоқда.

БМТ Хавфсизлик кенгаши Судандаги вазиятни афрофилича муҳокама қилди. Яқинда БМТ Бош котиби Кофи Аннан мазкур масала юзасидан журналистларга интервью берар экан, ҳозирча Судан ҳукуматининг мавжуд вазиятни юмшатиш учун арзирли чоралар кўрмаётганини таъкидлади.

БМТ Хавфсизлик кенгаши Судан ҳукуматини мамлакатдаги нотинчликни бартараф этишда фаоллик кўрсатишга чақирмоқда.

Кенгаш, агар ҳукумат бунинг уддасидан чиқмаса, мамлакат-

га қарши жазо жорий этилишини маълум қилди. Ҳозир мазкур иш юзасидан резолюция лойиҳаси муҳокама этилмоқда.

АҚШ, Буюк Британия, Германия ва Франция томони Суданга қарши жазо қўллаш ниятида. Айрим давлатлар, хусусан, Жазоир, Покистон, Хитой ва Россия вакиллари бу борада шошилмаслик лозимлигини таъкидлапти. Уларнинг фикрича, Судан ҳукумати Дарфурдаги тангликни бартараф этиш учун барча чораларни ишга солмоқда. Жазо эса кўрилган чора-тадбирлар наф бермагандагина жорий этилиши керак.

Муҳокама мавзuida Суданга ҳарбийларни жўнатиш масаласи ҳам йўқ эмас. Буюк

Британия ҳукумати, мамлакатдаги вазият ўзгармаса, яқин орада Суданга 5 минг нафар ҳарбий жўнатиши мумкинлигини маълум қилди.

Африка Иттифоқи (АИ) мамлакатлари можарони тинч йўл билан ҳал этиш тарафдор. Ўтган ҳафта Африка Иттифоқи ташаббуси билан Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада расмий Хартум вакиллари билан исёнчилар ўртасида музокара бўлиб ўтган эди. Аммо ундан бирор натижа чиқмади. Шу боис кузатувчилар Судан ҳукуматининг яқин кунлар ичида вазиятни жиловлашига унчалик ҳам ишонмаётир.

Президент Умар Ҳасан Аҳмад ал-Башир эса ҳамон муаммо тинч йўл билан ҳал этилишига умид боғламоқда.

Таъкидлаб ўтиш керакки, Дарфурдаги қонли тўқнашув бир ярим йилдан бери давом этапти. Ўтган йилнинг феврал ойда бу ерда истиқомат қилувчи маҳаллий қабилалар исён кўтарган эди. Ҳукумат буни бостириш учун араб миллатига мансуб кўнгилчилар гуруҳини ишга солди. Натижада эса бугунги ўта мураккаб вазият вужудга келди.

Маълумотларга қараганда, шу кунгача қуроли тўқнашув натижасида 50 мингга яқин одам ҳаётдан кўз юмган. Юз минглаб одам қочқинга айланган. Уларнинг аксарияти айни пайтда кўшни Чаддан бошпана изламоқда. Яна бир қисми Судан ва Чаднинг чегара худудидаги лагерларда яшаётир.

ПАРОДИЯ

(Айрим домлаларга)

Домла, сизни табиат ўйлаб-ўйлаб яратган,
Талаба ҳақда «ажиб» кўшиқ куйлаб яратган.
Ногаҳон пайдо қилгач, кейин бизга ачиниб,
«Шўрингизга шўрва» деб йиғлаб-йиғлаб яратган.

Талабанинг чўнтагин уммонга йўймагайсиз,
Имтиҳон топширишни осонга йўймагайсиз.
Қийнамангиз биз ўзи оддийгина бир фақир,
Стипендия пулини осмонга йўймагайсиз.

Сессия – бир лабиринт, нажот қайдадир домла?
Арзларингиз дилда-ю, «камиш най»дадир домла.
Ойнинг ўрталарида олган стипендиямиз
Уч кун ўтмай ҳар ёқда майда-майдадир домла.

Баъзи дарсларингизда уйку келар, рости гап,
Зачётни бешга ёпиш тушларга кирмас ухлаб.
Шундоқ баҳо қўймасдан, сиқиб сувни ичасиз,
Ёки оловингизда пиширасиз хўп сихлаб.

Юракларим куйса-да, айтмай ёниб бораман,
Алам зардобли шароб, қониб-қониб бораман.
«Илм олиш игна-ла қудук қазिश» - экан деб
Беш баҳо олиш учун ўздан тониб бораман.

Ковоқлардан қор ёғар, имтиҳон бошланган дам,
Зўрагина оласиз саломга алиқни ҳам.
Талабалар атрофда бўлса гирдикапалак,
Қайси домлага ёқмас, ахир яна нима кам?!

Сессия яқинлашди, талабага кирди жон,
Фақат битта илтимос, икки қўйманг, домлажон.

Гулруҳбегим САЙФИДДИН қизи,
ЎзДЖТУ талабаси

Баҳодир биринчи марта маош олди. Хазинахонадан чиқиб, дастгоҳи ёнида ишни давом эттирдю, аммо хаёли оладиган совғалари билан банд бўлиб қолди.

Иш ҳам тугади. Кўчада салобат билан юриб борапти. Дўкон кўргазмаларига қўйилган нарсаларга одатдагидек фақат қизиқиш билан кўз ташлабгина қўймапти, балки совғага арзийдигани борми, йўқми, деган фикрда синчиклаб қараб борапти. Баҳодир шу кўйи анча нарсани харид қилди. Баҳор бошланган ётганини ўйлаб, дадасига қариялар қиядиган оқ ятак, сингиллари Манзура ва Назирага бир тусда икки дона гулдор рўмол, олтинчи синфда ўқийдиган укаси Орифга уч ранга ёзадиган чиройли ручка сотиб олди. Лекин Онасига нима сотиб олишни билмасдан анча боши қотди. Каттароқ нарсани олайин, деса пулнинг талай қисмини сарфлаб қўйди, дадасининг қўлига олиб борадиган пули ҳам дурустроқ бўлиши керак. Рўмол олсамикин? Йўқ... Онасининг ҳар хил рўмоллари кўп. Ёки қўйлак харид қилсамикин? Қўйлаги ҳам анчагина. Баҳодир ўйлаб-ўйлаб охири хушбўй атир танлади.

Сотиб олган совғаларини шалди-роқ халтачага солиб, катталардек салмоқли қадам билан уйга кириб

Hikoya

борди. Совғаларини бирма-бир эгаларига тарқатиб чиқди. Онасига эса атирни тақдим этди.

Ҳамма хурсанд. Совғани кўриб, онанинг рўзгор ташвишида барвақт ажин тушган чехрасини бир зумда табассум қоплади. Балки она бечора шу пайтда сермеҳнат умр йўлида қайтмас бўлиб кетган, кийган кийимларидан икки қадам наридан атир ҳиди гуркираб турган ёшлик йилларини эслагандир. Ё ўғли ишга кириб, ўн беш йилдири, бир ўринда ётиб қолган бемор отасининг ўрнини эгаллаганлигини, эрининг бир вақтлар кўча тўлдириб ишлаб юрган фароғатли даврлари қайтиб келадиганини хаёлига келтиргандир. Эҳтимол, Баҳодир онасининг ҳамisha ёш ва зебо бўлиб қолишини хоҳлар.

Ҳа, Баҳодир нима қилсаям, ҳали ёш-да! Онасига тақдим этилган совға бўлажак келинга асралиб туришини билмайди.

Мухтасар Йўлдошева,
Косонсой туманидаги 47-умумий ўрта таълим мактабининг 10-синф ўқувчиси




«АВЪГИ» КРОССВОРДИ

ЭНИГА: 1. Лойдан буюм ясовчи уста. 4. Телесериал "...Барбара". 7. Ундан тайёрланадиган суяқ овқат. 10. Мансаб, амал. 11. Бол йиғувчи ҳашорат. 12. Даданинг ака-укалари. 13. Шеър қатори. 15. Термин. 16. Билимдон аёл. 18. "Туз"нинг форс-часи. 20. Ўзбекистондаги автомобилчилар шахри. 22. Хазонрезги фасли. 23. Бобурнинг шоҳ асари. 24. Тошкентдаги спорт мажмуи ёки табиий чуқурлик. 25. Торли мусиқа асбоби. 27. Чехия пойтахти. 28. Сайр-саёҳат. 30. Тошкент вилоятидаги дарё. 32. Ота, дада. 34. Охир, финиш. 36. Кўрк, виқор. 38. Ўзбекистондаги энг узун дарё. 39. Олмос ўлчов бирлиги. 40. Аёллар бош кийими. 41. Оддий, номураккаб.

БЎЙИГА: 1. "Бош" сўзининг синоними. 2. Таркибида қанд моддаси кўп бўлган поллиз экини. 3. Хоразмча рақс. 4. Африка чўлларида эсувчи кумли шамол. 5. Энг узун дарё. 6. Ширинлик маркаси. 7. Қадимий транспорт. 8. АҚШдаги штат. 9. Греция пойтахти. 14. "Сайқали рўйи замин". 16. Америка кино ижодкорлари мукофоти. 17. Ўйнашанг ҳар боб билан урувчи киши. 18. Носоз, бўлмағур. 19. Норвегия пул бирлиги. 20. Брайн ... 21. Машхур актёр — ... Ҳидоятлов. 26. Эстрада гуруҳи. 29. Бола, ўғил-қиз. 30. Гуваланинг бўлаги. 31. Чидам, матонат. 32. Нон тури. 33. Пайғамбар. 34. Вориснинг мулки. 35. Содда ҳайвон. 37. Миллий валюта.

Тузувчи: Давронбек
ТОЖИЛИЕВ



Xullas...

Фойданинг зарари ҳам бор

Бельгиялик парҳезшунос шифокорлар узоқ давом этган тадқиқотлардан сўнг шундай хулосага келишди: кунига 10-15 фоиз ёнғоқ истеъмол қилиш юрак-қон-томир касалликлари пайдо бўлишининг олдини олар экан. Бундай касалликларнинг келиб чиқмаслигини истаган киши ёнғоқ, бодом ва фундук тановул қилиши керак. Улар таркибида оқсил ва ўсимлик ёғи бўлиб, қон томирлари фаолиятини яхшилайди.

Айни пайтда, ҳар тўқсонинг бир айби бор, деганларидек ортиқча ваздан, ошқозон-ичак касалликларидан, жигар оғриғидан шикоят қилиб юрганлар бўлса, ёнғоқ емасликлари даркор. Чунки ёнғоқ таркибидаги ёғ бундай кишиларнинг дардини зўрайтириб юборади, деб маслаҳат берилади, Швецияда чиқадиغان «Свенка дагбладет» газетасида.

Бу маслаҳатни ҳар ким ўз соғлиғига қараб қабул қилсин.

Икки хил муносабат

Биробиджонда «Театр фавворалари» акцияси ўтказилди. Бунинг ташкилотчилари кимлигини эшитиб, дам таажжубланасиз, дам куласиз. Улар «Аҳмоқ одамлар клуби»нинг аъзоларидир.

Аввало, ана шундай клубнинг тузилишига зарурат нималигига жавоб топа олмайсиз. Аъзоларнинг ўзларини бемаъни дея тан олишлари ҳам ҳайрон қоларлидир. Клуб аъзолари вокзал атрофидаги фаввораларда сузишар экан, рус классикалари Тютчевнинг «Фаввора», Пушкиннинг «Богчасарой фонтани» каби асарларини галма-галдан айта бошлашди. Сув атрофида эса «Соябонли кишилар», «Гапдон қиз», «Қармоқ тутган балиқчи», «Ёзаётган ўғил бола» каби ҳайкалчалар қўйилган эди. Тўғриси айтганда, аҳмоқларнинг бу акциясини шахарликлар завқ-шавқ билан кутиб олишди. Вокзалдаги навбатчи милиция ходимлари учун эса бу фирт аҳмоқона ўйин...

ana shunaqa gaplar

Баҳоси сотувда эркин нархда

Pentium IV компьютерида
Лилия БИНАШЕВА
ва Милоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акционерлик компанияси
босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди —

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Хулкар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ҳатир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
№ 024 рақам билан 2003 йил
17 декабрда рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149. Г-829.
Тиражи 21368. 2 3 4 5 6
Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз
бичими А-3.

Навбатчи муҳаррир:
Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.
Навбатчи:
Шерзод АҲМАТОВ.

«Ма'рифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга юборилган материаллар муаллифга қайтарилмайди.

© белгиси остида реклама материаллари берилмади.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

E-mail: marifat@ars-inform.uz

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—133-99-15, олий таълим янгиликлари бўлими, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими — 136-55-58, хатлар, маънавий ва сиёсий ҳаёт янгиликлари бўлими — 136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, ўқувчиларни касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, реклама ва тарғибот бўлими—136-54-69.